2011 ЙИЛ — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

48-49 (754-755)

# Mahalla

ISSN 2010-7013

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри 2010 йил 8 декабрь. Чоршанба 1996 йилдан чиқа бошлаган

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

### Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу кунларда Асосий Қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги мамлакатимизда тантанали равишда байрам қилинмоқда.

Давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар эканмиз, биз Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини юксак баҳолаймиз. Ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар эканмиз, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самараси, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, биз танлаган ва "ўзбек модели" деб ном олган мамлакатимизнинг тараққиёт йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи яққол тасдиқлаб бермоқда.

Биз ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, буйруқбозлик ва режали-тақсимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғлик тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бормоқда.

Бу тамойиллар, биринчи навбатда, ҳаётимизни мафкурадан тўла холи қилиш, коммунистик қолип ва қарашлардан воз кечиш, қонуннинг ҳамма учун устувор бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи ролини ўзига олиши, инқилобий эмас, аксинча, тадрижий тараққиёт йўлидан ривожланиш, яъни ислоҳотларни "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг" деган принцип асосида изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш, шунингдек, кучли ижтимоий сиёсат юритиш каби қоидаларни ўз ичига олади.

Ана шу тамойилларга амал қилган ҳолда, биз ўтган давр мобайнида ҳақиқатан ҳам жуда катта тарихий ютуқларга эришдик ва бу билан ҳақли равишда фахрлансак арзийди.

Биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими – эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалга оширган ишларимизни эътироф этган ҳолда, биз бир ҳақиқатни эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ, деб ўйлайман: **яъни, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди.**

Босиб ўтган йўлимизни ва мамлакатимизнинг дунёда содир бўлаётган туб ўзгаришлар жараёнида тутган ўрнини холис ва танқидий баҳолар эканмиз, биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарур. Бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъият билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга – **тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша оламиз.**

Парламентимиз палаталарининг шу йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида баён этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"-да айнан ана шу вазифалар ўртага қўйилганини таъкидлаш жоиз.

**Қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айланиши даркор:**

— давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент – давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш;

— ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

— демократик қадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

— фақат кенг миқёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

## БЕТИМСОЛ ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

**Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.**

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда "Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир" мавзуида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда истиқлол йилларида демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислоҳотлар замирида Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва асосий тамойиллар мужассам эканини алоҳида таъкидлади.

Эркин ва фаровон жамият қуриш, Ватанимизнинг салоҳияти ва қудратини, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш борасида эришаётган барча муваффақиятларимиз Конституциямизда белгилаб қўйилган ҳуқуқий асосларга қатъий амал қилиб келаётганимизнинг самарасидир.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни ҳеч қачон ортга қайтмайдиган, қатъий ва изчил тус олгани, одамларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўтган давр мобайнида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритган улкан ютуқларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мамлакатимизнинг изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йил – Баркамол авлод йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилиш, фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

Мухтасар қилиб айтганда, фарзандларимизни XXI аср талабларига жавоб берадиган инсонлар этиб вояга етказишдек эзгу мақсад йўлидаги бундай ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов кириб келаётган янги – 2011 йилни мамлакатимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилишни таклиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу таклифи йиғилганлар томонидан гулдурос қарсаклар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА)

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

### Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонларига мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда ўрнак ва намуна кўрсаттан бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

– Аввало, мана шу муҳташам залда тўпланиб турган сиз, азизларни халқимиз кенг нишонлаётган Конституция куни билан табриклашдан, сизларга ўзимнинг самимий ҳурматимни билдиришдан хурсанд эканимни изҳор этмоқчиман, – деди Президентимиз. – Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланган инсонларни айнан ана шу байрам арафасида қутлаб, давлат мукофотларини топшириш яхши бир анъанага айланди.

Эл-юртимиз олдидаги фарзандлик бурчини бажариш йўлида бутун борлиғини бахш этиб, ўзининг фидойи меҳнати, муносиб хизмати билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келаётган сиз каби инсонлар билан учрашиш, уларнинг қўлини сиқиб, бағримга босиб муборакбод этиш, мен учун катта бахтдир.

Барчангиз яхши хабардорсиз, халқимиз, мамлакатимиз дуч келган айрим қийинчиликларга қарамасдан, жорий йил биз учун ҳар томонлама баракали, омадли бўлди. Буни машаққатли меҳнат ва катта фидойилик эвазига эришган ютуқ ва марраларимиз амалда тасдиқлаб бермоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг ҳалол меҳнати ва омилкорлиги билан юртимиз бўйича қарийб 7 миллион тоннали улкан галла хирмони бунёд этишга эришдик. Айниқса, барча вилоят ва туманлар ўз шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этгани, кўплаб фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 55-67 центнерга етказгани мисолида буни яққол кузатиш мумкин.

Пахтачилик соҳасини оладиган бўлсак, деҳқонларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштиргани ва унинг 90 фоизи юқори навларга топширилгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз деҳқончилик тарихидаги яна бир ёрқин саҳифа бўлди.

(Давоми 3-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ ВА МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 10 декабрь куни Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Тадбир

## "КОНСТИТУЦИЯ – МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ"

### Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир айни шу мавзуга бағишланди

"Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Тошкент Давлат Юридик институти ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ташкилотчилигида ўтказилган ушбу тадбирда жамғарма масъул ходимлари, профессор-ўқитувчилар, пойтахт туманларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мутасаддилари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда бўлажак ҳуқуқшунос талабалар иштирок этдилар.

(Давоми 4-саҳифада)

## ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Мамлакатимизда бахтимиз қомуси — Конституциямиз қабул қилинган куннинг 18 йиллиги кенг нишонланмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви Раёсати 2010 йилнинг 10 ноябрида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, бу улуғ байрамни мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида кенг нишонлашни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режа барча ҳудудий бўлим ва бўлинмаларга етказилди.

(Давоми 3-саҳифада)

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

**(Давоми. Боши 1-саҳифада)**

Ўз-ўзидан равшанки, биз олдимизга қўяётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Мен бугунги йиғилишда мазкур Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга батафсил тўхталмоқчи эмасман.

Нега деганда, бу масалаларнинг барчаси ҳозирги вақтда оммавий ахборот воситаларида етарлича кенг ёритилмоқда ва нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсида ҳам катта қизиқиш ва эътибор билан муҳокама қилинмоқда.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидлашни истардимки, энг мураккаб ва масъулиятли вазифа – бу Концепциянинг ўзини ишлаб чиқишдан иборат эмас, албатта. Энг асосий вазифамиз – мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, фаолиятимиз негизига қўйиладиган ушбу асосий принципларга эътибор қаратиш зарур, деб ҳисоблайман.

**Биринчи.** Амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

**Иккинчи.** Концепцияда таклиф этилаётган ислоҳот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислоҳотларини амалга ошириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир.

**Учинчи.** Ислоҳотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Шу борада бугун мана шу залда ўтирган сиз азизларни, авваламбор ёшларимизни, уларнинг тимсолида унибўсиб, ҳал қилувчи бунёдкор куч сифатида майдонга чиқаётган, она юртимиз келажагининг эгаси бўлган миллионлаб азму шижоатли фарзандларимизни мен ўзимнинг энг катта умидим ва ишончим деб биламан.

Мен қатъий ишонаман – бизнинг болаларимиз, мамлакатимизни ислоҳ қилишнинг ғоя ва мақсадлари онги ва қалбига яқин бўлган ёшларимиз ана шундай орзу-умидларимизга албатта муносиб бўладилар, шу мақсадларни амалга ошириш учун астойдил курашадилар ва албатта, бу марраларни ҳам қўлга киритадилар.

Қадрли дўстлар!

Бундан бир йил муқаддам мана шу муҳташам залда, Конституция кунига бағишланган мажлисда, сизлар билан атрофлича фикр алмашиб, 2010 йилни мамлакатимизда **"Баркамол авлод йили"** деб эълон қилган эдик.

Давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик, юксак билим ва салоҳият талаб этиладиган, айнан шу қадриятлар устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиққан эдик.

Албатта, ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Биз қабул қилган, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифаларни қисқа вақт мобайнида, яъни бир йил давомида амалга ошириб бўлмаслиги барчамизга яхши аён. Шу маънода, бу олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узоқ истиқболга мўлжалланган устувор вазифасига айланиши ва ҳамиша эътиборимиз марказида туриши лозим.

Кўлами ғоят кенг бўлган ушбу дастур доирасида бажарилган барча ишларни битта маърузада қамраб олиш қийин, албатта, унинг ижроси ҳақида йил якунига бағишлаб жойларда ва марказда бўлиб ўтадиган йиғилишларда атрофлича фикр юритилади. Мен бу ўринда фақат 2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, **болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш** масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бу борада, бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида ёшларга мўлжалланган турли хил ҳордиқ чиқариш муассасалари раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларнинг ўрнатилган нормаларга риоя қилиш бўйича жавобгарлигини кучайтириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган қўшимчалар киритилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан аҳоли, биринчи навбатда, ўқувчи ва талабаларга замонавий ахборот технологиялари асосида ахборот-кутубхона, авваламбор интернет хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

Шулар қаторида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши албатта катта аҳамият касб этади. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида"ги қонуннинг яқин кунларда қабул қилиниши соғлом авлодни шакллантиришда, уларни болалик давридан бошлаб саломатликка путур етказадиган зарарли одатлардан ҳимоя қилишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, дастур доирасида ишлаб чиқилган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ушбу соҳани янада ислоҳ қилиш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан эътиборлидир.

Маълумки, соғлом авлод деганда, барчамиз биринчи навбатда соғлом наслни тушунамиз. Бу борада ўтган йиллар давомида "Соғлом она – соғлом бола" ғоясини ўзида мужассам этган дастур асосида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, жумладан, пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқ мажмуалари барпо этишга қанча куч ва маблағ сарфланганидан, ўйлайманки, ҳаммангиз яхши хабардорсиз.

Биргина "Она ва бола скрининги" Давлат дастури доирасида бошқа вилоятлар марказлари қаторида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминланди.

Бу ўз навбатида кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларидаги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ва ихтисослаштирилган марказларда деярли барча аҳоли тиббий кўрик ва ультратовуш текширувидан ўтказилди. Бундан ташқари, ҳар ойда мунтазам равишда "Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги" ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида туғруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий кўрикдан ўтказилганини қайд этиш лозим.

Бу йил шу борада яна бир ибратли тажриба йўлга қўйилди. Яъни, 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширди.

Маълумки, кейинги йилларда ҳомиладор аёлларни таркибида ҳаётий зарур элементлар бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш ва шу орқали аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида мисли кўрилмаган профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, бундай чора-тадбирлар ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

Шунингдек, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган бир қатор касалликлар профилактикаси бўйича ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Бунинг натижасида дифтерея, қизамиқ касалликларига чалиниш ҳолатлари кескин камайганини айтиш даркор. 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингокок инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайгани ана шундай тадбирлар самарасидир.

Мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг кўламли тадбир – полиомиелитга қарши эмлаш миллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди. Бизга қўшни бўлган давлатларда айнан шу масалада нохуш вазиятлар юзага келган бир шароитда бундай тадбирлар полиомиелит билан касалланишнинг олдини олиш имконини берганини, бунинг аҳамиятини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модель сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурини амалга оширишда **таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш** масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳияттдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тизилма – Молия вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилди.

Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Шунинг ўзиёқ бизнинг ушбу масалага қандай катта эътибор бераётганимизни яққол кўрсатиб турибди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Жорий йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани биз учун қанчалик катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган маскан бўлиб хизмат қилади.

Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди, олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимига кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оилага жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобиль алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналларни тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга жалб этишда жорий йилда сезиларли натижаларга эришилди. «Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиққан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди.

Яна бир муҳим ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди.

Бу борада ёрқин бир мисолни келтиришни ўринли деб биламан. Куни кеча Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашгани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди.

Шу маънода, бу йил ўтказилган 42 та халқаро мусобақада юртимиздан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил этгани айниқса эътиборлидир.

Маълумки, шу йил ёзда Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмирлар Олимпия ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди. Юқорида зикр этилган Осиё ўйинларида эса Ўзбекистон спортчилари нафақат қитъамиз, балки дунё миқёсида ҳам тан олинган қудратли давлатларнинг вакиллари билан кескин беллашувларда 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медални қўлга киритди, умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишга эришди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда Ватанимиз шон-шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган истеъдодли ёш спортчиларимиздан айримларининг номларини ҳурмат билан тилга олишдан мамнунман.

Кўзга кўринган спортчиларимиздан Ришод Собиров, Рустам Қосимжонов, Владимир Тўйчиев, Вадим Меньков, Дилшод Мансуров, Юлия Тарасова, Артур Таймазов, Элшод Расулов, Светлана Радзивил, Серик Мирбеков, Герасим Кочнев, Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов каби ёшларимиз Осиё ўйинларида олтин медаль соҳиби бўлдилар.

Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъдодли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёнинг энг яхши спортчиси деб тан олинди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, Ўзбекистон терма жамоасининг 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этишига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Футбол бўйича Осиё чемпионатида ажойиб ўйин намойиш этган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келгуси йили Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини кўрсатишига ишонамиз.

Аргентинада бўлиб ўтган ампутант-ногиронлар ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи маротаба чемпион унвонига сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ҳақиқий жасорат ва фидоийлик кўрсатиб, ўзларининг метин иродасини намойиш этди.

Шулар ҳақида гапирар эканман, ўз ҳаётини спортга бағишлаб, жаҳон ва қитъа мусобақаларида Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб келаётган барча мард ва жасур спортчиларимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, катта ғурур ва ифтихор билан уларга янги-янги зафарлар тилашга рухсат бергайсиз.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг яна бир устувор йўналишига батафсил тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайман. Бу ўринда гап ёшларимиз ўзлари эгаллаётган энг замонавий билим ва кўникмаларни амалда жорий этиши учун **касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим қадам бўлди. Шулар қаторида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банкларимиз томонидан амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Яна бир муҳим масалани қайд этиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кескин рақобат шароитида **инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.**

Бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмаслигини барчамиз яхши тушунамиз, албатта. Бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Яқинда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатнинг моҳияти шундан иборатки, илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилди.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажёр-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига тенглаштирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир йўналиши хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган **оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида** қисқача тўхталмоқчиман.

Айнан оила бағрида, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанднинг дунёга келиши, унинг шахс ва фуқаро сифатида камол топиши ҳақида узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарга ҳурмат туйғуси аввало, оилада пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараши миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Шу сабабли жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошланган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

Бундан ташқари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Дастур доирасида ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳурматли дўстлар!

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори ноҳукумат ташкилотлар бўлгани айниқса эътиборга сазовордир.

Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

**(Давоми 3-саҳифада)**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

(Давоми. Боши 1-, 2-саҳифаларда)

"Баркамол авлод йили" дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфлангани-нинг ўзи бу борада амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, ана шундай олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшган мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларга, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик тузилмаларига, хорижий жамғармалар ва халқаро ташкилотларга, шу залда ўтирган чет эл мамлакатларининг элчи ва вакилларига, шу улуғ мақсад йўлида ўзини аямасдан хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз ватандошлар!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2011 йилга қандай ном бериш ҳақида фикрлашиб олишимиз керак.

Бу масалада амалий бир қарорга келиш, яъни янги йилга ўз олдимизга қўйган ягона мақсад йўлида барчамизни бирлаштирадиган аниқ ном беришнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, давлатимиз ва жамиятимизнинг, мулк шаклидан қатъи назар, юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ёки муассасалар бўладими, юридик ёки жисмоний шахслар, ҳомийлар ва хайрия жамғармалари бўладими – буларни барчасининг куч-имконият ва маблағларини аниқ бир мақсад ва эзгу ниятларни амалга ошириш учун сафарбар этиш, бир ёқадан бош чиқариб мавжуд муаммоларни ечиш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф қилишда ушбу масала қандай катта аҳамиятга эга эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бунинг тасдиғини биз ўз ҳаётий тажрибамизда, яъни 1997 йилдан бошлаб кириб келаётган **ҳар қайси янги йилга жамиятимиз, бутун эл-юртимизнинг фикру зикри ва интилишларини бирлаштирадиган, янги куч-қувват бағишлайдиган ном бериб,** шу асосда қўлга киритган ютуқ ва марраларимиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Юқорида билдирилган фикр ва хулосаларни инобатга олган ҳолда, мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида мен кириб келаётган 2011 йилни мамлакатимизда **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** деб эълон қилишни таклиф этаман.

Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз авваламбор хусусий тадбиркорликни ўзимизга тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Мен бу ўринда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **"Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир",** деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, илгариги замонларда тадбиркорлик балки бошқача номлар билан аталган бўлиши мумкин. Аммо, қандай ном билан аталмасин – унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, ҳунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат, десак, муболаға бўлмайди.

Биз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимизнинг келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, биринчи навбатда Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкий муносабатлар ҳақидаги принципиал масала доимо эътиборимиз марказида бўлганини таъкидлаш лозим.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг кўпукладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди.

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, авваламбор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор.

Шу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этишни зарур деб биламан.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил ривожланиб боришини таъминлаш орқали **биз мамлакатимизда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустаҳкам бўлиб боришига эришмоқдамиз.**

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам – яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. **Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.**

Сизларга яхши маълумки, кейинги йилларда юртимизда ушбу соҳа ривожи учун қулай тадбиркорлик муҳити яратиш ва уни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисол келтириш кифоя, деб ўйлайман.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир даврда, яъни 2010 йил якуни билан бу кўрсаткич қарийб 53 фоизга етиши кутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, ана шундай ишларимизнинг мантиқий самарасидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзингиз ўйланг, азиз дўстлар, агарки юртимизда шу соҳага ўз вақтида катта эътибор қаратиб, унинг ривожи учун ҳар томонлама йўл очиб бермаганимизда бугун бизнинг куч-қувватга тўлган ёшларимиз бошқаларга ўхшаб қаёққа иш излаб борарди, кимларга муҳтож ва қарам бўлиб кун кўрар эди?

Шу ҳақида ўйлаш, бунинг олдини олиш давлат ҳокимияти идораларининг асосий бурчидир.

Жорий 2010 йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 480 мингта янги иш ўрни очилгани ҳам юқорида зикр этилган фикрнинг яққол тасдиғи, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Энг муҳими, бу иш ўринларининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқларимизда ташкил этилмоқда. Мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини қишлоқ жойларда яшашини ҳисобга оладиган бўлсак, бу рақамларнинг ижтимоий аҳамиятини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кўзга яққол ташланиб турган афзалликлари ва катта имкониятлари ҳақида яна кўп гапириш мумкин. Лекин бугунги кунда Ўзбекистонда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд эканини, дунёдаги тараққий топган давлатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллаётганини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналишда қиладиган ишларимиз нақадар кўплиги аён бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида **қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.**

Биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожи учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор.

Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турли-туман ғовтўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Албатта, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолмоқда ва ишимизга салбий таъсир ўтказмоқда.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган балo, яъни порахўрлик, таъмагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмайди. **Қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келди.**

Навбатдаги устувор йўналиш – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборат.

Ҳаммамизга маълумки, охирги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинди ва қилиняпти. Буни рад этиб бўлмайди, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмас.

Айни пайтда кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш даркор.

Яна бир муҳим масала кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар борасида қулайлик ва енгилликлар яратиш билан боғлиқдир.

Албатта, сўнгги йилларда хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 2005 йилдаги 13 фоиздан 7 фоизга туширишёки қарийб 2 баробар камайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун катта имкониятлар туғдирмоқда.

Шу борада кириб келаётган 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз томонидан ишбилармон ва тадбиркорларга кўрсатилган янги бир имтиёз бўлиб қолажак, деб ўйлайман.

Бу борада амалга оширилаётган ишларимиз билан чекланмасдан, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур.

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасида иштирок этиши, уларнинг минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш муаммосини ҳал этишга жиддий аҳамият қаратишимиз лозим.

Алоҳида катта эътиборни талаб этадиган яна бир масала шуки, ҳозирги вақтда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кўпроқ ривож топмоқда.

Лекин, шу билан бирга, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, **илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур.**

Айтиш жоизки, мен дастурдан ўрин олиши керак бўлган энг муҳим йўналишларнинг фақат айрим жиҳатлари ҳақида қисқача фикр билдирдим, холос.

Ўз-ўзидан аёнки, дастурни конкрет мазмун билан тўлдириш, ечимини кутиб турган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун ҳукумат қарори билан бу масала бўйича махсус ишчи комиссияси тузиш ҳамда етакчи мутахассисларимиз, авваламбор тадбиркорларнинг ўзини бу ишга жалб қилиб, ҳар бир йўналишни атрофлича, чуқур ва пухта ишлаб чиқишимиз даркор.

Бу борада мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотлар, кичик бизнес эгалари, фермер ва тадбиркорлар, ҳомийлар, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилигимиз ўз фикрлари ва амалий таклифлари билан фаол иштирок этади, деб ўйлайман.

Шу фурсатдан фойдаланиб, такрор ва такрор айтишни истардим: **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт.**

Айнан ана шундай қараш, ана шундай ёндашув бизнинг иш фаолиятимизда, авваламбор, олдимизда турган ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга оширишда асосий мезон ва йўлланма бўлишига ишонаман ва барчангизга айни шу мақсад йўлида куч-ғайрат ва янги-янги омадлар тилайман.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Сизларни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

## Президентимиз Ислом Каримов 7 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юртдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Бу ютуқларга ўз ишининг устаси ва фидойиси бўлган сиз каби минг-минглаб далада ишлайдиган инсонларнинг билим ва тажрибаси билан, меҳнат, меҳнат ва яна бир бор меҳнат ҳисобидан эришдик, – деди Ислом Каримов. – Бошқа соҳаларда ҳам, саноатни оласизми, қурилиш, йўл қурилиши ёки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни оласизми, бизга қувонч бағишлаб, бошқаларнинг ҳавасини тортаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида кўпгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайиб, ривожланишдан тўхташ ҳолатлари юз бераётган бир пайтда Ўзбекистон дунёдаги саноқли давлатлар қаторида барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолмоқда. Жорий йилда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Ишонаман, янги 2011 йилда ҳам, иншооллоҳ, ўсиш суръатларимиз бундан кам бўлмайди.

Биз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув масканлари барпо этиш бўйича қилинаётган улкан ишлар ҳақида ҳар биринг из ўз шаҳар ва қишлоқингиз ҳаётидан кўплаб мисолларни келтиришингиз мумкин, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Тиббиёт соҳаси учун давлат бюджетидан 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ, яъни 2009 йилга нисбатан 30 фоиз, 2008 йилга нисбатан эса икки баробар кўп маблағ сарфлангани инсон ҳаёти ва саломатлиги биз учун энг катта бойлик эканининг яна бир амалий намоёнидир.

Шулар қаторида илму фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида, халқимиз маънавиятини юксалтириш бўйича йил давомида амалга оширган ишларимизнинг салмоғи ва аҳамиятини ҳеч қандай рақам билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди, албатта.

Айниқса, Ватан ҳимоячиси бўлган жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг мардонавор хизмати туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурмоқда, ҳар қайси маҳалла, ҳар қайси оилада хотиржамлик, осуда ҳаёт, эртанги кунга бўлган ишончимиз янада мустаҳкамланиб бормоқда ва бу бизнинг энг катта ютуғимиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Шу маънода, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, мана шундай юксак ютуқларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб ғурур ва ифтихор билан гапиришга тўла ҳақлидир.

Шулар ҳақида гапирар эканмиз, биз аввало, ҳар қайси катта-кичик жамоада ўз фаолияти, ақл-заковати, билим ва тажрибаси, олижаноб фазилатлари билан бошқаларга ўрнак бўлаётган етакчиларни алоҳида ва катта миннатдорлик билан тилга оламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз азизларнинг ҳар бирингиз ва шу кунларда жойларда давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча юртдошларимизнинг шу йўлда қилган хизматингиз, қўшган ҳиссангизни ҳар қанча таърифласак арзийди, албатта.

Она Ватанимизни равнақ топтиришда ўзини аямасдан, кунни кун, тунни тун демасдан меҳнат қилаётган, Ўзбекистоннинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонлар сифатида сизлар бундай ҳурмат-эҳтиромга ҳар томонлама муносибсиз.

Айниқса, Баркамол авлод йили деб ном олган 2010 йилда мукофотларга сазовор бўлган ватандошларимиз орасида турли соҳаларда ўзининг дастлабки умидбахш ютуқлари билан ҳаммамизни қувонтираётган азму шижоатли ёшларимизнинг муносиб вакиллари борлиги барчамизга қувонч бахш этади, деди Ислом Каримов.

Шундан сўнг Президентимиз давлатимизнинг юксак мукофотларини тантанали равишда топширди.

– Бугун сизлар учун, оила аъзоларингиз, яқинларингиз, ҳамкасб дўстларингиз учун катта тантана, катта хурсандчилик, – деди давлатимиз раҳбари. – Сизларга юксак унвон, орден ва медалларни топширар эканман, бамисоли барчангизнинг қадди-қоматингиз янада баланд бўлиб, юзларингиз янада яшнаб-яшариб кеттандек туюлмоқда. Худдики ўзимни ҳам сизларнинг қаторингизда мукофот олгандек ҳис қиляпман. Шунинг учун бугун оила ва ёру дўстларингиз даврасида мукофотларни нишонлар экансиз, мени ҳам даврангизда бордек, орангизда ўтиргандек ҳис қилсангиз, ўзимни бахтиёр деб биламан.

Ватанимиз, халқимизнинг улкан ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган бу юксак мукофотлар ҳаммангизга муборак бўлсин.

Барчангизни Конституциямиз байрами билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман, деди пировардида Юртбошимиз.

Мукофотланганлар юксак эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар.

(ЎзА)

# ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Халқимизнинг энг улуғ ва энг азиз байрами – мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Ислом Каримов фармонига биноан турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Анъанага кўра, Конституция байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, вазирлик ва идораларда ана шу мукофотлар тантанали тарзда топширилмоқда.

Истиқлол йилларида азим пойтахтимиз янада чирой очиб, унда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, шаҳарсозлик соҳалари жадал равнақ топмоқда. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари ҳажми янада ортди. Кўплаб маъмурий иншоотлар, ўқув муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, оилавий поликлиникалар, маънавият ва маърифат масканлари, спорт мажмуалари қуриб фойдаланишга топширилди.

Конституция куни арафасида Тошкент шаҳар ҳокимлигида иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, соғлиқни сақлаш, қурилиш-ободонлаштириш, ишлаб чиқариш, таълим, спорт соҳаларида самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ ҳамюртларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев топширди.

* * *

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида миллий маънавиятимизни тиклаш, бой тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, умрбоқий анъана ва урф-одатларимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда меҳнат қилаётган ижодкорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш – давлатимизнинг доимий эътиборида.

Жорий йилда ҳам Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари, маънавият ва маърифат, ижтимоий соҳаларда меҳнат қилаётган бир гуруҳ ҳамюртларимиз фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ушбу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов топширди.

Мукофотланганлар юксак ишончи ва эътибори учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирдилар, юртимизда самарали ва ҳалол меҳнат ҳамиша эъзозланиб келаётганини, бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик янада ғайрат билан ишлашга ҳамда эл-юртимиз тараққиёти ва фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга ундашини таъкидладилар.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида «Конституция, демократия ва маънавият» мавзусида 7 мингдан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳудудларда 5800 дан зиёд кўча ва йўлаклар, кўпқаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, 4500 дан зиёд зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди, 9450 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар белгиланган жойларга олиб чиқиб ташланди.

Шунингдек, жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ҳисобидан 3700 нафардан зиёд кекса ногирон, ёлғиз қария, боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилалар, жумладан, ёш оилаларга мурувват ёрдамлари кўрсатиш учун 90 млн. сўмга яқин маблағ ажратилди.

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тарғиб қилишда энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловининг Низоми ишлаб чиқилди ва барча ҳудудий бўлим бошқарувлари орқали маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилди. Айни пайтда танловнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида кўтаринки руҳда ўтмоқда.

**Асқар БЕККАМОВ**

Намунали маҳалла

# ЁШЛАР УЧУН ТЎКИС ШАРОИТ

**Асака шаҳридаги «Асака» маҳалла фуқаролар йиғини Баркамол авлод йилида ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида намунали маҳалла, деб топилди. Бу Давлат дастури асосида белгиланган кенг қамровли чора-тадбирларнинг муваффаққиятли амалга оширилаётганидан дарак беради, албатта.**

— Маҳалламиздаги ёшларнинг қандай юмушлар билан бандлигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, — дейди йиғин раиси Маҳбубахон Қодирова, — уларнинг 60 нафарга яқини олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида таълим олаётгани, 70 нафари шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаётган экан. 15 нафар йигит-қиз эса бекор юрган экан. Шу боис йил дастури бўйича белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш гуруҳи аъзолари уларни оталиққа олишди.

Гуруҳ аъзолари маҳалла ўрамидаги Асака автомобиль заводи, «Ас-Гули-Шоҳ», «Мухтасарбону», «Марказий Осиё» каби кўп тармоқли фирмалардаги, деҳқон ва буюм бозорларидаги мавжуд ёки ташкил қилиниши кутилаётган иш ўринлари ҳақида аниқ маълумотлар йиғишди. Кейин гуруҳ аъзоларининг ҳар бири оталиққа олинган ёшлар билан суҳбатлашиб, уларни имкониятлари даражасидаги ишга таклиф қилишди.

Шу тариқа бу йил ўн бир киши фирмаларга, уч киши Асака автомобиль заводига, икки киши мактабгача таълим муассасаларига ишга жойлаштирилди. Кам даромадли, серфарзанд оилалардан тўрт нафар йигит-қиз ҳомийлар томонидан бепул берилган бир бошдан қорамолни, беш киши эса юз бошдан паррандани парваришлаб, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга жалб қилинди. Бу орада бандлик марказининг ёрдами билан еттита серфарзанд оилада касаначилик асосида иш ташкил этилди. Бунга ҳам йигирма нафарга яқин ёш жалб қилинди.

Ёшларнинг бандлигини таъминлашда, уларнинг кўча-кўйда бекор юришининг олдини олишда спорт тўгаракларининг алоҳида ўрни бор. Уларда уч юз нафарга яқин ёш иштирок этиб, ўзларининг маҳоратларини оширмоқдалар. Профилактика нозири Дилшодбек Нўъмонов шаҳар прокуратурасининг ёрдами билан «Посбон» клубини ташкил этди. Унда келажакда ички ишлар сафида хизмат қилишга иштиёқманд, бугунги кунда жамоатчилик асосидаги маҳалла посбони ҳисобланган йигирмага яқин ёш фаол иштирок этмоқда.

Асаканинг аҳоли зич яшайдиган бу маҳалласида уч мингдан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Аҳолининг деярли ярмини ёшлар ташкил этади. Маҳалла оқсоқоли, нуронийлар, Хотин-қизлар, Ёшлар билан ишлаш комиссиялари аъзолари ёшларнинг дам олиш вақтини мазмунли ўтказишга эътибор қаратган ҳолда фаолият юритишмоқда. Бу хайрли ишдан кайвонилар, отинойи, кўча бошлиқлари ҳам четда туришгани йўқ. Шу боис «Асака» маҳалласи аҳли «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Узоқбой САКСОНБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Бўлинма фаолиятидан

# БУГУННИНГ ЮМУШЛАРИ ТАРАҚҚИЁТГА ДАХЛДОР

**Ҳар биримизнинг яхши-ёмон кунларимиз маҳаллада кечади. Тинчлик-осойишталикни таъминлаш, ёш авлодни етук инсонлар қилиб тарбиялаш, ободончиликни йўлга қўйиш, эҳтиёжманд кишиларга ёрдам кўрсатишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Миллий қадриятларимиз — ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва аҳиллик, самимийлик каби олижаноб туйғулар ҳам маҳаллада шаклланади.**

Мамлакатимизда истиқлол йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ қадриятлар ва анъаналарни замон талаблари асосида бойитишга, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга, ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида доимий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам ана шунда. Зеро, юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, умуминсоний қадриятларни улуғлашдек эзгу мақсадлар ётишини Президентимиз доимо алоҳида таъкидлайди.

Бу мақсадлар, орзу-умидлар кундан-кунга, йилдан-йилга барчамизнинг кўз ўнгимизда амалга ошмоқда. Кунда бир янгиланишга, ўзгаришга, ижобий натижага ва ютуқларга гувоҳ бўлмоқдамиз. Фикримизнинг далили сифатида Урганч шаҳрининг бугунги янги қиёфасига, шаҳардаги 35 та маҳалланинг ҳаётига, уларнинг бугунги ўзини ўзи бошқариш органи идораси сифатидаги фаолиятига бир назар солиш кифоя, деб ўйлайман. Шаҳримизда 20 га яқин миллат вакиллари, 140 минг нафарга яқин аҳоли бир оиладек тинч-тотув, осуда ҳаёт кечирмоқда. Юртимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби бизнинг шаҳар маҳалла тизимининг серқирра фаолиятида ҳам осойишталикни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳаётига оид муаммоларни ҳал этиш, ёшларда ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш, бандликни ошириш каби кўплаб масалаларга асосий эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллалар қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» фаолиятида ёшлар билан диллашиш, уларнинг ахлоқ-одоби, дунёқарашини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ёшларни касбга, ҳунарга ўргатиш мақсадида ҳар бир маҳаллада «Устоз — шогирд» анъанаси давом эттирилиб, улар турли тўгаракларга жалб этиляпти. Ўтган йили 1000 нафарга яқин ёш ишга жойлаштирилди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шаҳримизда турли миллат вакиллари яшашади. Умуминсоний қадриятлар, бағрикенглик, дўстлик ва қардошлик туйғуларини мустаҳкамлаб боряпмиз. Ўзбекона урф-одатларни бойитиб, бошқа миллатларга хос анъаналарни унутмаган ҳолда кўплаб тадбирлар ўтказяпмиз. Эзгуликка, яхшиликка хизмат қиладиган бундай анъаналарга барча маҳаллалар аҳли бош қўшмоқда. Шу боис доимий равишда «Энг намунали хонадон», «Маҳалланинг фаол аёли», «Маҳалланинг ибратли йигит-қизи», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Аёлга эҳтиром» каби кўрик-танловлар ташкил этиб келяпмиз. Дарвоқе, маҳаллаларимизда ёшлар бадиий дасталари, ҳаваскорлик, турли спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида шаҳримизда Хотира майдони, буюк алломалар, халқ қаҳрамонлари номлари билан аталадиган гўзал боғ-хиёбонлар, ўнлаб академик лицей, коллеж, мактаблар, спорт иншоотлари, кутубхона, маданият уйлари, соғлиқни сақлаш иншоотлари, савдо-сотиқ дўконлари бунёд этилди. Барча қулайликларга эга гузарлар қурилиб, фойдаланишга топширилянпти. Буларнинг барчаси элимизнинг бунёдкорлиги, яратувчанлигидандир. Биз маҳалла жонкуярлари бор кучғайратимизни, билим ва идрокимизни халқимиз хизматига янада кўпроқ сафарбар этишимиз лозим. Зеро, юртимизнинг буюк келажагига хизмат қилиш, фаровонликни юксалтиришга, гўзал ва бахтли ҳаётни барпо этишга камарбаста бўлиш фуқаролик бурчимиздир.

**Қодир РАҲМОНОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамғармаси Урганч шаҳри бўлинмаси раиси.**

Хабар

# "КОНСТИТУЦИЯ – МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ"

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тадбир айни шу мавзуга бағишланди

**(Давоми. Боши 1-саҳифада)**

Тадбирда, Конституция миллий ҳуқуқий қадрият сифатида жамиятда ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашнинг муҳим пойдевори эканлиги таъкидланди. Бахтимиз Қомуси, энг аввало, миллий ўзликни англаш, ҳур ва озод, демократик тамойилларга асосланган Ватан барпо этиш имкониятини берди. Конституциямиз нафақат демократик ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаш ва амалга ошириш, балки уни ҳимоя этишни ҳам кафолатлайди.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ маҳалла институтига, уни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ушбу тизим фаолиятига Бош Қомусимизнинг 105-моддасида ҳуқуқий тамал тоши қўйилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "...бизда шундай бир ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу — юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир".

Сўзга чиққанлар бу тизимнинг аҳамияти, олиб борилаётган серқирра фаолияти, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбиясига оид ишлари ҳақида атрофлича тўхталдилар. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 12 ноябридаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида баён этилган фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларига мутасаддилар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Мухбиримиз.**

© фото-Носир Ҳайдаров

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган "Чилтўғон" маҳалла фуқаролар йиғини шаҳримизнинг обод гўшаларидан биридир. Бу масканда ҳозирда 848 та хонадонда 4800 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

**СУРАТДА:** *маҳалла фаоллари навбатдаги иш режасини муҳокама қилишмоқда.*

Томорқа — хонадон хазинаси

# РЎЗҒОРДАН ОРТГАНИ — ДЎКОНГА

## ёки томорқада етиштирилган маҳсулотларнинг дала дўконларида сотилаётгани ҳақида

**Томорқа — кони фойда. Буни буни яхши билганлар кўклам келди, дегунча томорқасига ишлов беради, экин экиб мўл даромад кўради.**

Эрта баҳорда Сирдарёнинг Боёвут, Ховос, Гулистон туманлари томорқадорлари бозорларга исмалоқ чиқаришса, сирдарёлик ва сайхунободликлар оқ тут мевасини тортиқ қилишади. Ёз бўйи турли экин билан банд бўлган томорқалар кузга келиб бўшаб қолгач, биров эртаги саримсоқ пиёз уруғини қадаса, биров сабзи ва пиёз уруғини сепади.

— Ўз қўлинг билан томорқангга экин экиб, унинг ҳосилидан баҳраманд бўлишнинг гашти бўлакча-да, — дейди мирзаободлик миришкор деҳқон Ҳамза Эшназаров. — Рўзғордан ортганини қўни-қўшнига, рўзғорнинг кам-кўстига ишлатиш учун бозорларга олиб чиқамиз, қишлоғимиздаги дала дўконларига топширамиз.

Дарвоқе, дала дўконлари ҳақида.

Сирдарё вилоятидаги деярли барча фуқаролар йиғинлари ҳудудида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари сотишга ихтисослаштирилган дала дўконлари ташкил этишга жиддий аҳамият берилаётир. Хусусан, эндиликда вилоятдаги 75 та қишлоқ ва 3 та шаҳарча фуқаролар йиғинлари ҳамда уларнинг таркибидаги маҳаллаларнинг барчасида 169 та гўшт маҳсулотлари, 368 та қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўконлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ҳар бир қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли томонидан ўз томорқаларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш учун махсус бозорчалар ташкил этилган. Бу бозорларда картошка, пиёз, сабзи, помидор, булғор қалампири, гармдори, тузланган маҳсулотлар, асал ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, сут, қатиқ, қаймоқ, сузма, пишлоқ каби чорвачилик маҳсулотлари савдоси учун махсус павильонлар мавжуд.

— Дала дўконларида «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими томонидан доимий назорат ўрнатилган, — дейди жамғарма вилоят бўлимининг етакчи мутахассиси Алишер Икматов. — Назорат гуруҳи таркибида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерацияси, давлат солиқ бошқармаси, санитария-эпидемиология назорат маркази, бозорлар уюшмаси ходимлари киритилган.

Қишлоқ ҳамда маҳаллаларнинг гўшт ва дала дўконларидаги қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилиги ҳақида ҳар куни ветеринария хизмати томонидан текширишлар ўтказилиб, тегишли маълумотнома ҳамда рухсатнома берилиши ҳам Жамоатчилик назорати комиссияси аъзолари эътиборида туради. Шунингдек, комиссия томонидан чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи фуқаролардан бу маҳсулотларни ўз томорқасида етиштиргани ҳақидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг маълумотномасини тақдим этиши ҳам қоида тариқасида талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида олиб-сотарликка барҳам бериб, томорқадорлар манфаатига хизмат қилади. Гўшт, қатиқ, қаймоқ, сузма, бринза каби гўшт ва сут маҳсулотлари сотиш билан шуғулланаётганларнинг махсус кийимда бўлиши, уларнинг санитария текширувчидан ўтганлиги доимий назоратга олинган.

Аҳоли томорқасида етиштирилган маҳсулотларнинг сероблиги дала дўконлари ва деҳқон бозорларида нарх-навонинг арзонлашишига омил бўлмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бозорларда ҳозирги пайтда сабзининг 3 килограмми 1000 сўмдан сотилмоқда. Бундай нарх-наво картошка, пиёз, турп, шолғом каби сабзавот маҳсулотлари савдосида ҳам кўзга ташланмоқда.

— Дала дўконларининг қишлоқ ва маҳаллаларимизда ташкил этилгани қулайлик туғдирди, — дейди Сардоба тумани Файзулла Хўжаев номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Маматқулов. — Деҳқонларимиз ўз эҳтиёжидан ортган маҳсулотларини дала дўконларига кўтарасига топширишиб, сотилгандан сўнг маблағини олишга рози бўлишмоқда. Бундан сотувчилар ҳам мамнун.

**Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

Жамғарма кўмагида

## ХАЙРЛИ ИШЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

«Маҳалла» жамғармасининг Фарғона вилояти бўлими томонидан мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, турмуш шароитини яхшилаш борасида бир қанча хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 207 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя қилинди. Ушбу хайрли ишга бўлим ва ҳомийлар томонидан 204 миллион сўм сарфланди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга моддий шароитларини яхшилаб олишлари учун 80 миллион сўмлик хайрия ёрдами ҳам кўрсатилди.

Бўлим томонидан фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Айни шу мақсадда фуқаролар йиғинларига 142 дона компьютер, 40 та мебель жамланмаси олиб берилди.

**Р.ШЕРҚУЛОВ.**

## "ЯНГИ ҲАЁТ"НИНГ ЯНГИ ГУЗАРИ

**МАРҒИЛОН** шаҳридаги "Янги ҳаёт" маҳалласида қад ростлаган замонавий гузарда барча қулайликлар муҳайё этилган.

Мазкур гузарнинг бунёд этилишида тадбиркорлар Хайрулло Олимов 25 миллион сўм маблағ сарфлаган бўлса, гузар атрофини ободонлаштиришда маҳалла аҳли ташаббус кўрсатди. Тадбиркор Х.Олимиовнинг сатъй-ҳаракати туфайли илгари қаровсиз ётган ернинг ўрнида замонавий бино бунёд этилди.

Айни кунларда бу ерда фаолият кўрсатаётган дорихона, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, новвойхона, сарторошхона, почта шохобчаси хизматидан маҳалла аҳли беҳад хурсанд.

— Келгуси йили тадбиркор ҳомийлар кўмагида чойхона, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси қуришни режалаштирганмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алихон Комилов.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ.**

Озиқ-овқат хавфсизлиги—муҳим масала

# ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

**Қишлоқ кўчаларида катта-катта пластмасса идишларни кўтариб, уйма-уй юрган икки нотаниш аёлни маҳалла оқсоқоли тўхтатди. Салом-аликдан сўнг улардан кимлигини сўради. Маълум бўлишича, бу аёллар бошқа жойдан келиб, қўлбола пахта ёғини сотиб юрган экан.**

Бозордагидан анча арзон нархдаги бу ўсимлик ёғининг сифатсизлиги шундоқ билиниб турарди: ранги қоп-қора, бунинг устига ичида майда чигит қолдиқлари сузиб юрибди. Фуқаролар йиғини раиси дарҳол маҳалладаги жамоатчилик назорати аъзоларини, ҳудуд солиқ инспекторини чақирди. Кейин далолатнома тузилиб, ҳуқуқбузарлар ва далилий ашё тегишли тартибда туман давлат солиқ инспекциясига юборилди.

— Бу қўлбола ёғнинг нархи арзонлиги учун сотиб олаётган фуқаролар саломатлигига зиён етказишини унутишади, — дейди маҳалла оқсоқоли турли истиҳола билан ўз исм-шарифини ёзмасликни илтимос қилиб. — Бугунги кунда айрим нопок кимсалар шахсий манфаатини ўйлаб хонадонлари ертўласида, молхонасида пахта ёғи ишлаб чиқарувчи яширин цехлар қуриб олишган. Бу ерда тайёрланган маҳсулот эса яширинча йўллар билан, хусусан, юқоридаги каби «сотувчилар» орқали уйма-уй юриб, истеъмолчига «етказиб бериляпти». Бунинг олдини олиш учун фуқаролар йиғини қошидаги Жамоатчилик назорати комиссияси фаолиятини янада кучайтирганмиз.

Бизга суҳбатдош бўлган оқсоқол ва у етакчилик қилаётган маҳалла Наманган туманида жойлашган. Унинг илтимосига кўра маҳаллани ҳам, оқсоқолни ҳам таништирмадик. Чунки юқоридаги воқеа маҳаллада бошқа такрорланмади. Маҳалла раиси бир марта зийраклик қилганидан сўнг ноқонуний ўсимлик ёғи сотувчилар қайтиб бу маҳаллага яқинлашмади.

— Бугун вилоятдаги мавжуд 762 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳар бирида жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Олимжон Нуриддинов. — Бу гуруҳлар коммунал тўловлардан тортиб ҳудудда ёшлар тарбияси, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, айниқса, ун, ёғ маҳсулотларининг ўз вақтида, белгиланган меъёрларда сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатган.

Шу ўринда, қўшни давлатлар билан чегарадош бўлган 64 та маҳалладаги жамоатчи назоратчиларимиз хизматини алоҳида эътироф этишим зарур. Улар юқоридагиларга қўшимча равишда мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан сифатсиз маҳсулотлар олиб кирилиши ёки товар моддий бойликларимизнинг ноқонуний равишда четга чиқиб кетишининг олдини олиш борасида ҳам фаоллик кўрсатишиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларга кўмакдош бўлишмоқда.

Албатта, истеъмолчи ҳуқуқини ҳимоя қилиш фақат маҳалланинг ёки оқсоқолнинг зиммасида эмас. Бу борада тегишли тартибда иш олиб борадиган идоралар бор. Улар қонун доирасида фаолият юритишяпти.

— Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, истеъмолчи — фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмол ёки бошқа мақсадларда товар сотиб олувчи ёхуд шу ниятда бўлган фуқаро ҳисобланади, — дейди монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Жавлонбек Йўлдошев. — Уларнинг ҳуқуқий манфаатлари юқорида тилга олинган қонун билан мустаҳкам ҳимояланган. Биз маҳалла тизими ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тез-тез рейд ва мониторинглар ўтказиб, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Бунда маҳаллалар қошидаги Жамоатчилик назорати комиссияларининг ўрни ва аҳамияти катта бўляпти.

Инсон соғлиги — энг бебаҳо бойлик. Ана шу бойликни асраш учун, аввало, бепарволикка барҳам бериш лозим. Гоҳида «арзонроғи ҳам бўлаверади» қабилида иш тутиб, сифатсиз маҳсулотларни харид қилиш саломатликка жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслик керак.

**Жамшид БЕК,**
**«Mahalla» мухбири.**

Таққос ва тажриба

# ИШ ЮРИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС УСЛУБИ

**Маҳбуба опа Рўзалиева икки йилдан буён пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Ўрта масжид» маҳалла фуқаролар йиғинида маслаҳатчи бўлиб ишлаб келади. У катта ҳаётий тажрибага эга ва маҳалладошлари орасида ҳурмат-эътибор қозонган.**

— Ҳар куни маҳалламиздаги кўпқаватли уйлар олдидан ўтар эканман, энг аввало, тозаликка эътибор бераман, — дейди Маҳбуба опа. — Яқинда маҳалладаги кўпқаватли уйлар орасини айланиб юрсам, уй йўлаклари ва ён-атрофида бир неча кунлик хазон, чиқинди тўпланиб қолганига кўзим тушди. Ажабланарлиси, худди шу уй олдидаги ўриндиқда икки-уч нафар ёш келин гурунглашиб ўтирарди. Кўп ўйланиб ўтирмасдан: "Қизларим, илтимос, менга бир челак сув билан супурги олиб чиқиб беринглар, бу хазонларни супуриб қўйишга ҳеч кимнинг вақти бўлмабди, шекилли", дедим. Шунда ёш келинлар уялганидан ишга тушиб кетишди. Шу-шу бу кўпқаватли уй олди доимо тоза-озода.

Дарҳақиқат, ҳар бир ишда маҳалладошларига ва ёшларга ўрнак бўлиб келаётган Маҳбуба опа касби педагог бўлгани учун ёшларнинг кўнглига йўл топишни жуда яхши билади. Оилаларнинг турли муаммоларини ҳал қилишда аввало, улар билан якка тартибда шуғулланишга, муаммоларини билишга ва шунга қараб иш тутишга ҳаракат қилади. «Ўрта масжид» маҳалласи асосан, кўпқаватли уйлардан иборат бўлиб, 8 минтта яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳолиси орасида турли мавзуларда давра суҳбатлари, мунозара ва семинарлар ўтказиб турилади. Одам савдосига қарши кураш, диний экстремизм ва турли оқимлар таъсирининг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби долзарб мавзуларда ташкил этиладиган тадбирларга соҳа мутахассислари жалб этиляпти, тарғибот таъсирчанлигини ошириш учун турли видеофильмлар ва саҳна кўринишларидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари маҳалла оқсоқоли, Хотин-қизлар комиссияси раиси билан бирга хонадонларга ташриф буюриб, тўйҳашамлар ва турли маросимларни камхарж ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш борасида тушунтириш ишларини олиб боришда ҳам Маҳбуба опанинг хизмати катта.

— Яқинда қиз узатаётган бир хонадон бекаси билан учрашдим, — дейди маслаҳатчи. — Қизи сепимга чет эл мебелларидан олиб берасиз, деб, хархаша қилганмиш. Ота-онаси ойлик маош билан яшаётган инсонлар бўлса, ортиқча дабдабанинг кимга кераги бор? Бир куни қизни ёнимга чақириб, бир-икки хонадонларга кириб аҳвол билан танишишим лозимлигини, ёнимда ҳамроҳ бўлиб, айтганларимни дафтарга қайд этиб боришини илтимос қилдим. Атай уни оддий, бироқ бахтли яшаётган оилалар билан таништирдим. Бирга ортга қайтар чоғимизда у таклифимдан хурсанд бўлганини, бахт бойлик билан ўлчанмаслигини англаб еттанини таъкидлади. Иш услубим — мана шундай. Самарали натижадан эса кўнглим кўтарилади, маҳалладошларим корига яраётганимдан қувонаман.

«Ўрта масжид» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азиза Пидаева маслаҳатчи ҳақида гапирар экан, унинг инсоний фазилатларга эгалиги, доимо маҳалла фаолларининг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишини таъкидлади.

Маҳбуба Рўзалиева сингари жонкуяр ва фидойи маслаҳатчилар юртимизда кўплаб топилади. Шундай инсонлар бор экан, маҳаллаларимиз обод, оилаларимиз фаровон бўлиши, шубҳасиз.

**Илёс САХАТОВ.**

Энг намунали ҚВП

# ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАРГА МОС

**Қарши туманидаги «Навбаҳор» маҳалласида жойлашган қишлоқ врачлик пункти вилоятда энг намунали, деб топилди.**

— Қишлоқ врачлик пункти учта қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ходими Акмал Усмонов. — Яқин беш йил ичида оналар ва болалар ўлими кузатилмаган, юқумли касалликлар ҳам қайд этилмаган. Аёлларнинг фарзанд туғиш оралиғи 3 йилдан кам бўлмаслигига эришилган. «Соғлом она — соғлом бола» дастури доирасида намунали ишлар амалга оширилаётир. Хотин-қизларни бир йилда икки марта диспансер кўригидан ўтказиш қатъий қоидага айланган. 2010 йил ноябрь ойига қадар туман болалар шифохонасига шу ҳудуддан бир нафар ҳам бола даволаш учун ётқизилмаган. Бу ижобий кўрсаткичлар ҳар қандай кишини қувонтиради.

"Навбаҳор" маҳалласига ташриф буюрганимизда бу маскан хотин-қизлар билан гавжум эди. Шифокорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Халқит бермаслик учун бир четда туриб кузатдик. Хотин-қизлар диспансер кўригидан ўтаётган экан.

— Бизда ҳамма тиббий кўрикдан ўтишга одатланган, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Одинахон Отамуродова. — Бош шифокоримиз Сайёра Бердиева жуда куюнчак, хотин-қизлар билан ўзи яккама-якка суҳбат ўтказади. Турли хил касалликлар ҳақида маълумотлар беришдан, уларнинг оқибатларини тушунтиришдан чарчамайди. Шу туфайли ҳам ёшу қари ушбу саломатлик масканига тез-тез келиб, текширувдан ўтиб туришади, Сайёрахондан керакли маслаҳатлар олишади. Бу эса маҳалла аҳли орасида тиббий маданиятини шакллантириш яхши йўлга қўйилганидан далолат.

Шифохона атрофининг тоза-озодалиги, дов-дарахту гулзорларга бурканганини кишининг баҳридилини очиб юборади.

— Шифохонамизнинг ташқарисидан тортиб ичкарисигача одамларнинг руҳияти, кайфиятини ҳисобга олиб безаганмиз. Бу ҳам саломатликни таъминлашнинг бир омили. Зеро, гўзалликдан лаззатланиш киши ҳужайраларини жонлантириб, соғлиғини тиклашида катта ёрдам беради, — дейди шифокор Сайёра Бердиева.

2004 йилда қишлоқ врачлик пункти капитал таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланган эди. Бу йил ҳам маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ҳомийлар ёрдами билан жорий таъмирдан чиқарилди. «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича врачлик пункти барча зарур тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди. Бу ерда беморлар клиник ва биохимик усулда чуқур текширилади. Физиотерапия хонаси энг зарурий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 4 ўринли кундузги стационар бўлимида эса беморларнинг муолажа олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хуллас, даволаш учун туман марказига боришга ҳожат йўқ.

— Қишлоғимиз шифокорларидан жуда миннатдорман. Кунора хабар олишади, — дейди уруш фахрийси Қарши Қурбонов. — Дори-дармонларни ҳам ўзлари олиб келишади. Барака топишсин.

Маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг қишлоқ врачлик пункти ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришаётгани яхши самара бермоқда. Улар ҳар бир оилада бўлиб, соғлом турмуш тарзи, овқатланиш маданияти, турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳақида тушунтиришлар бериб боришади. Айниқса, соғлом фарзанд туғилиши учун туғиш оралиғи 3 йил муддатда бўлиши муҳимлиги ҳақидаги маслаҳатлар ўз самарасини бермоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йилги диспансер кўригида она-болалар бир вақтда ўтказиляпти. Ҳар бир ҳомиладор аёл қатъий назорат остига олинган. Туғруқдан олдин улар, албатта, касалхонага ётқизилиб, даволаниб чиқишади.

— Маҳалла маслаҳатчиси билан бирга аёлларнинг ҳар хил тадбир, маъракаларида ҳам иштирок этамиз, — дейди ҚВП бош шифокори Сайёра Бердиева. — Шу баҳона, турмушда асқатадиган тиббий маслаҳатларни айтамиз. Масалан, йодланган туз солинган идиш очиқ қолса, йод тарқаб кетишини кўпчилик билмайди. Ўша тадбирда иштирок этадиганларнинг орасида бўқоқ касалликлари билан оғриганлари ҳам бор-да.

Қишлоқдаги ногиронлар қишлоқ врачлик пунктининг алоҳида рўйхатида туришади. Назоратсиз қолиб кетмасликлари учун уларнинг ҳар бирига тиббий ҳамширалар бириктирилган. Улар ҳар йили диспансер кўригидан ўтказилади. Яна бир эътиборли жиҳати, қишлоқ врачлик пунктига қарашли ҳудудлар ҳамширалларга бўлиб берилган. Улар маҳалла фаоллари билан одамларнинг турмуш шароитидан тортиб, саломатлигигача бохабар бўлишади.

Турмуш қуриш арафасидаги ёшлар билан оила ва никоҳ, тиббий кўрикнинг аҳамияти мавзуларида суҳбатлар уюштирилиб борилади. Шу боис никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтишни ота-оналарнинг ўзлари талаб қилишади. Бу эса соғлом фарзандлар туғилиши ва оила мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Санобар БОЙМУРОДОВА,**
**«Mahalla» муҳбири.**

Фарғона шаҳридаги "Юлдузча" болалар боғчаси Баркамол авлод йилида янгича қиёфа касб этди. Бу ерда асосий ва қўшимча биноларни таъмирдан чиқариш ҳамда иситиш тизимини янгилаш, боғча атрофини ободонлаштириш, болалар майдончасини қайта реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди. Малакали тарбиячи ва мураббийлар жалб этилган ушбу боғчада компьютер хонаси ташкил этилган, болажонлар замонавий ахборот технологиялари билан ишлаш борасида дастлабки билим ва кўникмага эга бўлмоқда.

**СУРАТДА:** *боғча тарбияланувчиси Сеҳриё Муллажонова.*

**Муқимжон Қодиров (ЎзА) олган сурат.**

# Дунёдан дараклар

## Зарар ҳисоблаб чиқилди



**ИСПАНИЯ** молия вазирлигидан олинган маълумотларга асосланиб, France-Presse тарқатган хабарга қараганда, ўтган жума куни авиадиспетчерларнинг бир кунлик иш ташлашидан фақаттина сайёҳлик соҳаси 400 минг евро зарар кўрган.

Сайёҳлик Испаниядаги энг ривожланган тармоқлардан бири. Жорий йилнинг октябрь ойида мамлакатга 4 миллион 800 минг сайёҳ келган. Соҳадан келаётган даромад мамлакат бюджетининг 10 фоизини ташкил этади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган жума куни мамлакат аэропортлари диспетчерлари иш берувчилар талабининг кучайиб бораётганига норозилик билдириб иш ташлашди. Ҳукумат эса фавқулодда ҳолат эълон қилиб, фуқаро аэропортларида ҳарбий авиадиспетчерлардан фойдаланишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, минглаб одамлар ўз манзилларига ета олмай аэропортларда қолиб кетишди.

## Маъмурият биносидаги портлаш

**КЕЧА** кечқурун Покистоннинг Афғонистон билан чегара туманидаги Моҳманд шаҳрида кучли портлаш содир бўлди. Чет эл оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, шаҳар маъмурияти биносида бир йўла икки киши ўзини ўзи портлатиб юборган.

Покистон радиоси хунрезлик туфайли 50 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлгани, 100 нафар одам тан жароҳати олгани тўғрисида маълумот тарқатди. Портлашни толиблар ўз бўйнига олишди.

Моҳманд шаҳри Покистоннинг қабила бошлиқларига бўйсунувчи чекка ҳудудида жойлашган. Бу ерда толибларнинг таъсири кучли. Шу боис ҳукумат тарафдорларига қарши тез-тез ҳужум бўлиб туради.

## Юк машинасидаги дурдоналар



Испаниянинг Хетафе шаҳрида 28 та ноёб санъат асарлари ортилган юк машинаси ўғирлаб кетилган. Associated Press тарқатган хабарга қараганда, юк машинасида Пабло Пикассо, испаниялик ҳайкалтарош Эдуардо Чильида, колумбиялик рассом Фернандо Ботеро ва бошқа санъаткорларнинг асарлари бўлган. Ўғирланган асарларнинг умумий баҳоси 2,7 миллион евродан 5 миллион еврогача баҳоланмоқда.

Мазкур санъат асарлари Испания ва Германиянинг олтита бадиий галереяси экспонатлари эди. Германиядаги навбатдаги кўргазмадан сўнг улар Испанияга келтирилганди.

Полиция қўлга кириттан видеотасвирдан ўғрилар уч киши эканлиги аниқланди. Аммо тасвирда уларнинг юзи мутлақо кўринмаган. Улар гаражга кириб машинани ҳайдаб чиқиб кетишган. Ҳайдовчи калитни машинада қолдирган экан.

## Энг қиммат шаҳар

**"ECA INTERNATIONAL"** компанияси ўтказган тадқиқотларга кўра Япония пойтахти Токио чет элликлар учун энг қиммат шаҳар, деб топилган. Ўтган йили бу шаҳар ушбу рўйхатнинг учинчи ўринидан жой олган эди.

Рўйхатнинг иккинчи жойини ўтган йили биринчи ўринни эгаллаган Ангола пойтахти Луанда, учинчи жойини эса яна бир япон шаҳри Нагоя банд қилган.

"ECA International" тадқиқотлари натижалари бўйича Европадаги энг қиммат шаҳар, деб Осло топилди. У умумий рўйхатнинг олтинчи ўрнини забт этган.

"ECA International"дан ташқари, "Mercer Human Resource Consulting" компанияси ҳам ҳар йили энг қиммат шаҳарлар рўйхатини тузиб боради. Бу компания рўйхати бўйича ҳам Токио жорий йилда биринчи ўринни олди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


AGROBANK

# «Агробанк» ОАТБ жамоаси

*БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 18 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!*

**Бахтимиз Қомуси —**
**Асосий қонунимиз буюк келажагимиз ва бахт-саодатимиз кафолатидир.**

**АГРОБАНК** *юридик шахслар учун мўлжалланган номинал қиймати 1 000 000 сўм бўлган депозит сертификатларини таклиф этади.*

**Депозит сертификатлар бўйича фоиз ставкаси**
**18 ой муддатга йиллик 7%**
**24 ой муддатга йиллик 8%**
**36 ой муддатга йиллик 10%**
**миқдорида даромад тўланади.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28-июлдаги ПҚ-1166-сонли Қарорига асосан юридик шахслар 5 йил муддат ичида тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга пул маблағларини жойлаштиришдан оладиган фоизли даромадлари солиққа тортишдан озод этилади.

**Сиз ушбу депозит сертификатларини Агробанкнинг исталган филиалидан сотиб олишингиз мумкин.**

**Тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин: (8371) 1505366, 1508512.**

**АГРОБАНК** — *юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!*

10 декабрь — инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

**Инсон қадр-қимматини халқаро миқёсда тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятининг бирдамлигини таъминлаш мақсадида 1945 йили таъсис этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 1-боб, 1-моддасида "инсон ҳуқуқларига ва барчанинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар асосий эркинликларига ҳурматни рағбатлантириш ва ривожлантириш" қатъий белгилаб қўйилди. Бинобарин, бу ақидалар халқаро ҳамжамият олдидаги асосий мақсадлардан бирига айланди.**

"Инсон ҳуқуқлари" иборасининг мазмун-моҳияти расман илк маротаба 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ўзининг аниқ ифодасини топди. 1966 йилда қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги, ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар юқорида номи зикр этилган декларация билан қўшилиб, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид ягона умумий ҳужжатини ташкил қилади. Ушбу ҳужжатлар мажмуи Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 1966 ва 1989 йилларда қабул қилинган Факультатив протоколлар билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро билл, деб аталади.

Демократик тараққиёт йўлини танлаган ҳар қандай давлат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масъулиятини зиммасига олади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, эркин ва фаровон жамият барпо этиш йўлидан бориб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига садоқатини амалда намоён этиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан биринчи бўлиб Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилди (1991 йил 30 сентябрь).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий принципларга бағишланган биринчи бўлими 13-моддасида қуйидаги умуминсоний ғоялар ўз ифодасини топди: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Асосий қонунимизнинг иккинчи бўлими бевосита инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ўзида акс эттирган.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқларига доир 70 га яқин халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома иштирокчисига айланди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил ва қатъий бажариб келмоқда. Республикамизда инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган 200 дан ортиқ қонун қабул қилинди.

Инсон, аввало, болалар, аёллар, қариялар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлаш мақсадида юртимизда "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Сиҳат-саломатлик йили", "Оила йили", "Ижтимоий ҳимоя йили", "Ёшлар йили", "Баркамол авлод йили" сингари дастурлар ҳаётга тадбиқ этилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Зеро, умумий маънода жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан бошланади. Юртбошимиз таъбири билан айттанда, ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги конституциявий кафолатлар тизимини ҳаётга тадбиқ этиш жадал бормоқда. Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи ҳокимият демократик принциплар асосида такомиллашди. Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, шунингдек, адвокатура институтининг ислоҳ қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва уларнинг ҳаётбахш самаралари бугун нафақат юртимиз ҳуқуқшунослари, балки хорижлик нуфузли мутахассислар ҳамда инсон ҳуқуқларига ихтисослашган халқаро ташкилотларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминловчи ва кафолатловчи миллий институтлар механизми яратилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий институтлар шу тизимни ташкил этади.

2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида" фармони эълон қилинди. Мазкур фармон ижросини таъминлаш борасида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди. Барча таълим муассасаларида, корхона, ташкилот, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида ушбу мўътабар ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш бўйича мутахассислар билан учрашувлар ўтказилди. Мазкур фармоннинг амалий аҳамияти шундан иборат бўлдики, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи бўлимлар фаолияти жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўрганиб чиқилиб, танқидий-таҳлилий баҳоланди. Натижада бундай тузилмалар қайта ташкил этилди ва фаолият мезонлари замонавий андоза ва асослар бўйича йўлга қўйилди. Юқорида номи зикр этилган фармонга кўра БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг ихтиёрий бадали сифатида юз минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиши, бошқача айттанда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаб донорлик қилиши халқаро экспертлар томонидан юксак эътирофга сазовор бўлди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, бугун дунёда ўз фуқароларининг тинчлигини, хавфсизлигини, юртининг барқарор ривожланишини таъминлай олмаётган, сиёсий инқироз ёқасида турган давлатлар ҳам йўқ эмас. Олис-яқиндаги айрим мамлакатларда авж олган сиёсий найрангбозликлар, ҳокимият учун кураш, этник низолар, ўзаро биродаркушлик урушлари, терроризм ва қашшоқлик сингари бало-қазолар ҳамон фуқароларнинг силласини қуритмоқда. Бошбошдоқлик, парокандалик ҳукм сурган жойда, афсуски, инсон шаъни, қадр-қиммати хусусида гапиришга ҳожат қолмайди.

Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонларимиз тўкин. Мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати йилдан-йилга ошгани сайин инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ишончли кафолати янада мустаҳкамланмоқда. Янги барпо этилаётган шинам уй-жойлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, йўллар, кўприклар, боғ ва хиёбонлар, яратилаётган янги иш ўринлари — буларнинг барча-барчасидан кўзланган мақсад битта: юртимизда инсон манфаатларини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборатдир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бош инспектори.**

Ўқув-семинар

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ РУҲИДА

Маълумки, шу кунларда жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч, осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, одам савдосига қарши курашиш, ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари раислари, профилактика инспекторлари ҳамда "Маҳалла посбони" жамоат тузилмаларининг амалий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бўйича ўқув-семинарлари бўлиб ўтмоқда.

Шундай тадбир куни кеча Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида ҳам ўтказилди.

Бугунги кунда вилоятда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида 1030 дан ортиқ "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари ташкил этилган. Уларда 2095 нафардан зиёд посбон фаолият кўрсатмоқда. Ҳудудларда тартибни сақлаш, қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда посбонлар муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида посбонлар томонидан 34480 ҳолатдаги ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, қонуний чора кўрилиши таъминланган, уларнинг ёрдамида 211 та жиноят фош этилишига муваффақ бўлинган. Посбонларнинг маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда профилактика инспекторлари билан фаол ҳамкорлиги натижасида вилоятнинг 174 та маҳалласи ва 34 қишлоқ фуқаролар йиғинида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Тадбир иштирокчилари бу борада қўлга киритилган ютуқларни эътироф этиши баробарида ишлар самарадорлигини янада ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Айрим жойларда асосий иш "Маҳалла посбони" жамоат тузилмалари сардорининг зиммасига тушаётгани, бу ҳол тузилманинг бошқа аъзоларидан фаолликни оширишни талаб этади. Шунингдек, посбонларнинг жиноят-қидирув, тергов органлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ҳам долзарблиги айтиб ўтилди. Бундан ташқари одам савдосига қарши курашиш борасидаги ишлар таҳлил этилиб, бу иллатга қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини янада ошириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Таъкидландики, одам савдосига қарши курашиш бўйича мақсадга тўлақонли эришиш учун бу борадаги қонунлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тарғиботига катта эътибор қаратиш зарур. Бунда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, профилактика инспектори, посбонлар ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаоллиги алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўқув-семинарда "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви, Ички ишлар вазирлиги, прокуратура, "Камолот" ЁИҲ кенгаши ҳамда Маънавият тарғиботи маркази органлари масъул ходимлари, шунингдек, туман, шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисалари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар, профилактика инспекторлари қатнашдилар. Очиқ мулоқот руҳида ўтган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий хулосага келинди.

Ушбу мавзудаги тадбир Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳам бўлиб ўтди. Жойларда ўтказилган ўқув-семинарлар хусусидаги таҳлилий мақола газетанинг навбатдаги сонларида эълон қилинади.

**Мухбиримиз.**

Жараён

# РЕКЛАМА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК

**Бир қўшнимиз бўларди, эркак бўлса-да тикувчиликни ўзига касб этган, эркагу аёл либослари, ётоқхонаю меҳмонхона учун матоли буюмларни маҳорат билан тикар, ҳатто бир неча таниқли хонандалар ҳам унинг доимий мижозига айланган эди. Бироқ унинг бир ёмон одати бор эди: ичкилик ва тамакисиз тура олмасди. Вақт ўтиши билан у казо-казо мижозларидан айрилди, оиласи ташлаб кетди...**

Бора-бора ҳатто қўни-қўшнилар орасида ҳам обрўйи қолмади. Хизмат ҳақи қўлига тегар-тегмас ароқ ва тамаки дўконига югурар, мутлақ алкоголь таъсирига берилган эди.

Оқибатда изғиринли қиш кунларининг бирида унинг совуқда қоттан жасадини ичимлик сотиладиган дўконнинг ёнидан топишди.

Бу мисолни бежиз келтирмадик. Кашандалик ва ичкиликбозлик инсоният ўзлигини танигандан буён орттириб олган ва қутулиши қийин бўлган энг зарарли одатлардан бири. Тамаки таркибидаги никотиннинг ўпка, жигар, юрак ва бошқа муҳим органларни зарарлаши, алкоголнинг инсон онги, руҳияти, ирсияти ҳамда наслига салбий таъсир кўрсатиши ҳақида жуда кўп таъкидланишига қарамай, кашандалик давом этяпти, ичкиликбозлик тўла маҳв этилгани йўқ.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди. Шунингдек, инсон саломатлигига таъсир кўрсатадиган маҳсулотлари, хизмат турларини реклама қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги қонуни қабул қилинганидан сўнг мамлакатимизда реклама фаолияти ривожланиб, ушбу хизмат бозорида бугунги кунда 1043 дан зиёд субъект фаолият кўрсатмоқда, шундан 250 таси реклама агентликларидир.

2010 йилнинг 18 сентябридан «Реклама тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Шунингдек, айни шу таҳрирдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178-моддасига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундаги энг муҳим ўзгариш — тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватли алкоголли ичимликлар рекламасининг тақиқланганидир. Чунки инсон онгига ҳеч нарса тез-тез намойиш этиладиган рекламачалик таъсир кўрсатмайди. Ҳар кимда танлаш имконияти мавжуд. Бироқ ҳали оқу қорани яхши танимаган ёшлар таъсирга тез берилувчан эмасми, мақталаётган нарсани олиш истаги уларда устун бўлиши табиий. Ҳамма гап шунда.

Шу боис олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг жабҳада тушунтириш ишлари олиб бориш бугунннинг долзарб вазифаларидандир.

Орамизда тамаки чекувчилар баробарида, нос чекувчиларнинг борлиги, айниқса, ташвишланарли. Сабаби носнинг зарари тамакиникига қараганда кам эмас. Нос таркибидаги оҳак, тамаки, кул кабилар қонга сўрилиб, организмни заҳарлайди, сўлак орқали ошқозонга тушиб, ошқозон-ичак хасталикларини келтириб чиқаради, тишларни емиради, оғизни ифлослантириб, бадбўй қилади. Нос чекадиган кишида рак, яъни саратон касаллиги билан оғриш хавфи соғлом одамдагидан бир неча баробар кўп бўлади. Чунки тамаки, кул ва оҳак аралашмаси оғиз бўшлиғидаги, хусусан, тил остидаги шиллиқ қаватларни зарарлайди. Сурункали чекиш натижасида шиллиқ қаватлар тузалиб улгурмайди ва борабора хавфли касалликка айланади. Бунинг устига, зарарланган ва очилиб қолган жароҳатдан организмга зарарли моддалар, микроб ва вируслар тушиши мумкин.

Тамаки чекиш, айниқса, ёш болалар ва ҳомиладор аёллар учун жуда хатарли. Шунинг учун тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкоголли ичимликларни реклама қилишга қарши қатъий ва изчиллик билан кураш олиб бориш талаб этилади. Бир зарарли одат бошқасини келтириб чиқариши азалдан маълум. Гиёҳвандлик кўпинча тамаки чекиш, спиртли ичимликларга руҳан, жисмонан мутелик орқасидан келиб чиқаётгани бугун ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандликнинг орқасидан келаётган зарарни эса бармоқлар билан санашнинг иложи йўқ.

...Анави киши мастликдан қалтираб қолган қўллари билан стакандан нима ичаётганини биласизми? У хотини ва болаларининг кўз ёши ва келажагини сипқаряпти. Қўлида навбатдаги тамакини тутатаётган одамнинг тутунига қўшилиб учаётган нарсани-чи? У ўз ёшлиги, навқиронлиги, ҳаётию орзусини кул қилмоқда.

Ўйлаймизки, ҳар қандай алкоголли маҳсулотлар рекламасини тақиқлаш ўзининг ҳаётбахш самарасини беради. «Реклама тўғрисида» ги қонун ижроси эса соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилади.

**Моҳигул АЗИМОВА.**

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

# ЎЗ УЙИМИЗНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

**Халқимиз дуога қўл очар экан: «Ўт балосидан, сув балосидан, ноҳақ туҳматдан асрасин», дея ният қилади. Ўт балоси моддий зарар етказса-ку, бир амаллаб ўрни қопланиб кетади, бироқ инсон соғлиғи ва ҳаётига дахл қиладиган офат қаршисида ҳар қандай одам чорасиз қолиши муқаррар.**

Инсон ўзи ва яқинларининг ҳаёти ҳамда моддий мулкига етадиган зарарнинг олдини олиши мумкин. Бунинг учун эса турар-жойларда аҳоли томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиниши лозим бўлади. Акс ҳолда эса...

Нодира(исми ўзгартирилган)нинг ширинтой қизчаси нафақат оиланинг, балки қўни-қўшниларнинг ҳам овунчоғи, эркатойи эди. Боғчада эса ўзининг зукко ва бийронлиги билан тарбиячиларнинг меҳрини қозониб келарди. «Кўза кунда эмас, кунида синади», деганларидек, уйни иситиш учун қўлбола ускунадан фойдаланиб келадиган Нодира бир куни қизининг қўғирчоқ билан андармон бўлиб ўтирган пайтида овқатга уннаш учун ошхонага кирди. Кўп ўтмай носоз қўлбола ускунанинг пақиллаган овозини эшиттач, юраги ҳаприқиб уйга югурди. Бироқ афсуски, печка портлаганида ичидан отилган суюқлик қизчанинг юзини куйдириб юборган эди...

Бундай мисолларни келтиришдан мақсад, масъулиятсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги оқибати нималарга олиб келиши мумкинлиги ҳақида аҳолининг тўла хабардорлигини таъминлаш ва келгусида бундай фожиаларнинг олдини олишга кенг жамоатчиликнинг эътиборини қаратишдир.

Жорий йилнинг шу давригача Тошкент шаҳрида 1428 та ёнғин содир бўлиб, оқибатда 33 нафар киши тан жароҳати олган, 26 нафар киши ҳаётдан кўз юмган, 65 254 326 сўмлик моддий зарар етган.

Хушёрроқ ва эътиборлироқ бўлганимизда бундай фожиаларнинг сони камайган бўлармиди... Ҳар ҳолда эҳтиёткорлик ҳеч қачон ҳеч кимга зарар қилмайди.

**Муборак КАМИЛОВА,**
**Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси 12-ҲЁХО инспектори, майор.**
**Талгат ЎРМОНОВ,**
**12-ҲЁХО 24-ҲЁХҚ инспектори.**

"Mahalla" жавоб беради

# ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИМИ?

***САВОЛ:* — Мен 10 йилдан бери қурилиш корхонасида ишлайман. Яқинда корхонадаги иш ўринлари қисқариши муносабати билан мени ишдан бўшатишларини айтишди. Бироқ қарамоғимда 5 нафар фарзандим бор. Оилада мендан бошқа ҳеч ким ишламайди. Айтинг-чи, бу ҳолатда ишда қолиш учун менга имтиёз бериладими?**

И.ОЛЛАБЕРГАНОВ.
*Хива тумани.*

**Жавоб**: — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 103-моддасида технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқариши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқ малакаси ва меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган ходимларга берилиши белгилаб қўйилган. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, ходимларнинг малакаси ва меҳнат унумдорлиги бир хил бўлган тақдирда қуйидагиларга афзаллик берилади:

— қарамоғида икки ёки ундан ортиқ киши бўлган ходимларга;

— оиласида ундан бўлак мустақил иш ҳақи олувчи бўлмаган шахсларга;

— мазкур корхонада кўп йиллик иш стажига эга бўлган ходимларга;

— ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларида тегишли мутахассислик бўйича малакасини ошираётган ходимларга ва ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларини тамомлаган шахсларга ўқишни тугаттандан сўнг мутахассислиги бўйича ишлаётган тақдирда икки йил мобайнида;

— мазкур корхонада меҳнатда майиб бўлиб қолган ёки касб касаллигини орттирган шахсларга;

— уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— атом объектларидаги фалокатлар оқибатида келиб чиққан ошириган радиация нурланиши билан боғлиқ нурланиш касаллиги ва бошқа касалликларга дучор бўлган ёки шундай касалликларни бошидан кечирган шахсларга; ногиронлиги атом объектларидаги фалокатлар туфайли бошланганлиги аниқланган ногиронларга; ана шундай фалокат ва ҳалокатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари қатнашчиларига, шунингдек, мазкур зоналардан эвакуация қилинган ёки кўчирилган шахсларга ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга.

Жамоа шартномасида ходимларни ишда қолдиришда афзаллик бериладиган бошқа ҳолатлар назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолатлар, агар ходимлар ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ ишда қолдиришда афзаллик ҳуқуқига эга бўлмаган тақдирдагина инобатга олинади.

**Саволга ҳуқуқшунос Фасиҳиддин СУЛТОНОВ жавоб берди.**

Соғлом она — соғлом бола

# ҚАРИНДОШ БИЛАН ҚУДА БЎЛДИМУ...

**«Нега мен бошқаларга ўхшаб юролмайман, нега менинг қўлларим бошқаларникига ўхшаб ҳаракатланмайди-а? Олти ёшли қизалоқнинг ойнага қараб у ёқдан буёққа қадам ташлаганча ўзига ўзи гапираётганини кўрган Комила холанинг кўзига ёш келди. Бир пайтлар ўғли Асқар: «Холамнинг қизига уйланмайман, ахир у сизнинг синглингиз, Санобар эса жияним-ку», дейишига қарамай Комила хола Асқарни Санобарга уйлантириб қўйганди.**

Мана энди ўша хатосининг жабрини тортяпти — тўнғич невараси Лола ногирон. Неварасининг ҳар сафар кўчада ёки боғчада ўртоқлари ўйинга қўшмагач йиғлаганини кўрса юраги баттар эзилади. Айбдорлик ҳисси уни қийнагандан қийнайди...

Соғлом авлодни вояга етказиш, туғма ирсий касалликларни камайтириш мақсадида 2008 йил 18 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. «Соғлом она—соғлом бола» Давлат дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни бажариш мақсадида жойларда кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан, соғлиқни сақлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани боис, кейинги уч йил ичида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими сони кескин камайди. Лекин ҳали-ҳануз юқоридагидек орамизда қариндоши билан қуда бўлаётган, тиббий кўрик кўникмаси шаклланмаган, фарзанди ва ўз соғлиғига бефарқ кишиларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган 1- ва 2-Мурувват уйларида тарбияланаётган болаларнинг аксарияти ана шундай хатолар жабрини тортаётганлардан. Бошини яхши ушлолмайдиган, яхши ҳаракатлана олмайдиган, жуссаси чақалоқни эслатувчи ўсмир ёшидаги, қўл-оёғи чангак бўлиб туғилган болалар...

Мурувват уйи шифокорининг таъкидлашича, болалар нафақат қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳ, ичкилик, гиёҳвандлик оқибатида, балки онанинг оддийгина грипп билан шамоллагани ва вақтида тиббий кўрикдан ўтмагани боис ҳам ногирон бўлиб туғилган.

Аёл 40 ёшида фарзанд кўрса қони алмашади, организм яшаради, дейишади. Баъзи ҳолларда айнан шу ёшда аёлларимизнинг фарзанд дунёга келтираётганига гувоҳ бўламиз.

— Ахир, бундай ёшдагилар бутунлай соғлом ҳисобланмайди. Чунки ҳар бир инсонда ёш ўтган сари бир неча хил касалликлар пайдо бўлади. Бу дард ҳомиладорлик ва туғиш пайтида янада кучаяди. Оқибатда ҳомиладорлик ҳам она соғлиғига, ҳам бола соғлиғига салбий таъсир қилади, — дейди Чилонзор туманидаги 33-поликлиника аёллар шифокори Д.Рихсихўжаева. — 18 ёшга тўлмаган ва 35 ёшдан катта аёлларда туғма ривожланиш нуқсони ва хромосома касалликлари билан фарзандлар туғилиши эҳтимоли юқори бўлади. Кўпинча қариндошлар турмуш қуришгач, «Мана, фарзандларимиз соғлом туғилишди, шифокорлар ваҳима қилаверишади-да», деб ўйлашади. Тўғри, бундай никоҳда ҳам фарзандлар соғлом туғилиши мумкин, яъни рецессив (яширин) генлар биринчи авлодда намоён бўлмайди. Лекин кейинги авлодларда фарзандлар кетма-кет наслий касаллик билан туғилиши мумкин. Ҳар йили тиббиётда 100 га яқин ирсий касалликлар аниқланаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, қариндошлар ўртасидаги никоҳда фарзандларнинг ногирон туғилиши эҳтимоли шунчалик кўпдир.

Бундан бир неча йил олдин пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги ногирон болаларга таълим бериладиган махсус мактабда бўлганимда бир болакайга шеър айттиришди. Саккиз ёшлар атрофидаги болакайнинг айтган шеъридаги бирор жумлани ҳам тушунмадим. Шунда унинг ёнида турган бувиси: «Шу мактабга чиққандан бери анча-мунча сўзларни талаффуз қиляпти», деганди неварасини бағрига босганча. Билишимча, онахон қизини аммасига узатган, ҳозирда икки невараси мана шу махсус мактабда ўқиётган, экан. Ачинарлиси, «Қизинг ногирон фарзанд туғди», деб қайнанаси келинини уйига ташлаб кетибди. Оқибатда опа-уканинг ораси бузилган. Мана, қариндошчилик ришталарини янада мустаҳкамлаш учун қуда бўлишган опа-уканинг бир-биридан жудо бўлиши сабаби.

Ногирон болалар, носоғлом онадан туғилган носоғлом гўдаклар, энг афсусланарлиси, улар орасидаги бемаврид ҳаётдан кўз юмаётганлар — буларнинг барчасининг бош сабабчиси тиббий маданиятнинг етишмаслигида. Хўш, ҳам жисман, ҳам руҳан соғлом болаларни дунёга келтириш, тарбиялаш учун ҳар биримиз нималарга эътибор бермоғимиз керак? Аввало, ўз оиламиз, ота-она, фарзандлар, қўни-қўшни, маҳалла, қишлоқ, овул, шаҳар, бутун мамлакат тақдири фуқароларнинг соғлом бўлишига, демак, келажак учун қўйилаётган пойдеворнинг мустаҳкам бўлмоғига боғлиқ эканини ёддан чиқармаслигимиз даркор.

**Барно СУЛТОНОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

Турмуш чорраҳаларида

# БИРОВНИНГ ҲАҚИ

**Маҳалламизга кираверишда баланд кунгурадор бир уй бор. Абдусамад ота иморатнинг теварак-атрофлари, ариғу чорбоғларини супуриб-сидириб, томорқасига экин экиб турса ҳам кимсасиз иморат, барибир файзсиздай кўринарди. Бу ҳовли кимга тегишли, унинг эгалари қаерда — бу менга қоронғу эди.**

Ҳар куни мактабдан қайтарканман, бу ҳовли олдидан ўтаётиб иморатнинг ғубор босган деразаларига, қушлар уя қурган пештоқларига кўзим тушади. Ўша куни ҳам шу уй олдидан ўтаётиб нигоҳларим чанг босган пештоқларда бўлгани боис оёқ остига қарамабман, бехос бир нимага қоқилиб кетдим. Қарасам, аёлларнинг бежиримгина ҳамёнчаси. Қуёш нурида ялтираётган ҳамёнга маҳлиё бўлиб қолдим, ичини очганимда ҳайратим янада ортди. Кармон ичида бир оз пул ва жуда чиройли тилла узук бор эди!..

Ким тушириб қолдирдийкан? У ёқ-бу ёққа алангладим. Шу пайт бояги ҳовли дарвозаси ғийқиллаб очилдию, мункиллаганча Абдусамад ота чиқиб келди. Эски чопонига ўраниб олган ота узун супургиси билан кўча четларини нарибери супура бошлади. Хаёлимдан кармончани отага беришим керак, эгаси албатта, бу ерга излаб келади, деган ўй ўтдию, бироқ ич-ичимдан ҳеч ким кўрмади-ку, демак, бу менинки, деган ғайри истак устун келди.

Уйимизга бориб, бўлган воқеани бувимга айтдим ва ҳамённи кўрсатдим.

— Қаердан олдим, дединг? Маҳаллага кираверишдаги беэга уйнинг олдидан топдингми? Эй, худо!

Бувимнинг ранги оқариб кеттандек бўлди. Кўзойнагини олдию:

— Дарров жойига элтиб ташла! — деди қатъий оҳангда.

Бувимга топганимни ҳеч ким кўрмаганини, мен олмасам, барибир, бошқа бир одам топиб олишини тушунтирган бўлдим ўзимча.

— Абдусамад отаям йўқ эканми? — деди бувим менга синчковлик билан тикилиб.

— Йўқ... — дедим кўзларимни ундан олиб қочиб.

— Менга қара, қизим. Бу — бировнинг буюми. Шуни ёдингда тутки, бировнинг ҳақи бировга буюрмайди. Эҳтимол, ҳозир буни йўқотган одамнинг уйида ҳам, кўнглида ҳам нотинчлик бўлаётгандир, ҳамёнини ахтариб тополмай азоб чекаётгандир. Агар сен ҳамён эгасини топсанг, катта савобли иш қилган бўласан. Акс ҳолда бу буюм уйимиздан баракани аритади, ўн ҳисса бўлиб чиқиб кетади.

Шундан сўнг бувим менга шу уй билан боғлиқ воқеани ҳикоя қилиб берди.

Маҳалламиздаги Каримжон исмли дурадгор йигит Ҳабибулла исмли кишининг янги иморатида ишлай бошлабди. Каримжон қари онаси, аёли ва касалманд қизчаси Муродахон билан яшар, аҳволи ҳийла ночор экан. Қизи касалманд туғилгани учун тузалиб кетишини мурод қилиб унга шундай исм қўйишган экан. Ҳабибулла устани бир йил ишлатибди, ора-сира берган чойчақасини ҳисобга олмаганда, устанинг ҳақини беришни нуқул пайсалга солар, иш биттандан сўнг тўлиқ ҳисоб-китоб қилишини айтаркан. Ой-кун ўтиб, ишлар ҳам ниҳоясига етибди. «Энди, ука, ҳозир қўл сал калталик қилиб турибди. Бироз сабр қиласан. Яқинда катта даромад оламан. Қўлимга пул тушиши билан сени рози қиламан», дебди у устага. Каримжон индамабди. Аммо қизчасининг аҳволи оғирлашгач, ҳақини сўраб яна келибди. Ҳабибулла яна пуч ваъдалар бериб, уни қайтарибди. Қизчасини яхши одамлар кўмагида даволатган бўлса-да, Каримжон Ҳабибулланинг эшигига қатнайвериб, ҳафсаласи пир бўлибди. Икки йил ўтса ҳамки Ҳабибулла устанинг ҳақини берай демас, Каримжон эса пешона терини тўккан меҳнати ҳақидан воз кечмабди. Кунларнинг бирида устанинг онаси оламдан ўтибди. Маъракага маблағ керак. Қариндошларнинг эсига яна Ҳабибулла тушибди. «Мен у билан аллақачон ҳисоб-китоб қилганман!», деб ўшқирибди Ҳабибулла устанинг яқинларига. Ўғлига бир-икки оғиз насиҳат қилмоқчи бўлган отасини ҳам одамлар олдида изза қилибди. Дили оғриган ота шу куниёқ, ҳеч кимга айтмасдан катта ўғлиникига кетиб қолибди. Маҳалла-кўй, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар эса Каримжонни ёлғизлатиб қўйишмабди — унга ҳам руҳан, ҳам моддий кўмак кўрсатишибди. Каримжон бўлса, Ҳабибулланинг ноҳаклик қилганини худога солибди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ҳабибулланинг ёлғиз ўғли ўғирлик устида қўлга тушиб, узоқ йилга қамалиб кетибди. Ўғлини қамоқдан чиқариш пайида юрган Ҳабибулланинг тўсатдан қўл-оёқлари шол бўлиб қолибди. Эрини қайсидир саховат уйига жойлаштирган хотини қизини эргаштирганча бу уйни тарк этибди. Айтишларича, ҳозир бу аёл бошқа бировга турмушга чиқиб кетганмиш. Нафақат қўл-оёқ, балки тилидан ҳам айрилган Ҳабибуллани одамлар аста-секин унута бошлашибди. Ундан ора-сира хабар оладиган ягона одам — унинг отаси Абдусамад ота экан...

Бувимнинг ҳикоясидан таъсирланиб кетдим. Мени қизиқтириб келган иморат бор ҳайбати билан кўз олдимда гавдаланди. Шунда боягина мени асир этиб турган тилла узук кўзларимга жуда хунук кўринди. Шоша-пиша рўмолимни ўрадиму ташқарига отилдим. Ҳамёнчани топиб олган жойимга яқинлашарканман, у ерда икки нафар одамнинг қораси кўринди. Улар ариқ ичи, йўл четларида куймаланишар, афтидан, ниманидир излашарди. Яқинроқ борсам, букчайиб олган Абдусамад ота билан унинг ёнида кўҳликкина бир жувон. У жуда асабий кўринар, кўзларини ердан узмасди.

— Мана буни излаяпсизми? — дедим аёлга. У «ялт» этиб қўлимдаги ҳамёнга қараб севиниб кетди. — Уни шу ердан топиб олгандим. Ҳеч ким йўқлиги учун кейинроқ олиб келарман, деб уйга кетувдим.

— Вой, ўргилай сиздан, — деди жувон кўзлари порлаб. — Раҳмат! Ичидаги узук мен учун жуда қадрли. Буни менга ўқишга кирганимда дадам совға қилганди. Озгина таъмирталаб бўлгани учун заргарга олиб кетаётгандим.

— Раҳмат, сенга қизим, сенга тарбия берганларга раҳмат, — деди Абдусамад ота ҳам қувониб.

Аёл мени қучоқлаб бағрига босаркан, ўзимни қушдек енгил сездим. Ҳа, бу узук совға экан. Жуда бежирим, кўрган кўзни қувнатади. Аммо менга тўғри йўл кўрсатган бувимнинг тарбияси мен учун бир умрга асқатадиган, кўнглимга хотиржамлик ва ҳаловат бахш этадиган энг катта совға эканини англаб етдим.

Бу жувон ҳақида Абдусамад отадан билиб олдим. У яқинда қишлоғимизда сутни қайта ишлайдиган цех очиб, кўпчиликка нафи тегаётган, қадоқланган маҳсулотларига она қишлоғимиз номини қўйиб чиқараётган тадбиркор аёл Муродахон экан...

**ГУЛҲАЁТ.**



Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Чақар" маҳалласи ҳудудида жойлашган 47-оилавий поликлиникада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда бу тиббий масканда 100 нафарга яқин тиббий ходим фаолият юритади. Оилавий поликлиника "Чақар", "Чорсу", "Қоратош", ҳамда "Гулбозор" маҳалларининг 23000 аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

**СУРАТДА**: *бош ҳамшира (ўнгда) М. Махаматова оила шифокори М. Қорабоева беморни тиббий назоратдан ўтказмоқда.*

© фото-Носир Ҳайдаров

Қўшничилик анъаналари

# УМРНИ БЕЗАГАН ФАЗИЛАТ

**Иш, турмуш ташвишлари билан юрган одам бир кун келиб тақдирнинг аччиқ қисмати уни тўшакка михлаб қўйишини хаёлига ҳам келтирмас экан. Ҳаётнинг бундай синовлари эса одамлар орасидаги меҳр-оқибат туфайли бартараф этилади. Одам тафтини одам олади, деб шунга айтсалар керак-да.**

Орамизда бошқаларга меҳр улашадиган, яхшилигини канда қилмайдиган, беминнат ёрдам қўлини узатадиган инсонлар жуда кўп. Улар кўрсатган кўмакларидан манфаат кутмайдилар, аксинча, меҳрга ташна одамнинг кўнглига шодлик улашганидан, камига шерик бўлганидан қаноат ҳосил қиладилар.

Бошингизга бирор иш тушганда қариндош-уруғ, опа-сингилларингиз ёнингизда турса, кўнглингизни кўтаришса ёлғиз эмаслигингизни ҳис этиб, қийинчиликларни енгишингиз осон бўлади. Мушкулингизни аритиб, жонингизга оро кирадиган яна шундай одамлар борки, улар уйлари ва диллари бир-бирига туташган ён қўшни-жон қўшнилардир.

Бундан тўрт йил олдин Жалақудуқ тумани Охунбобоев шаҳридаги "Бозорбоши" маҳалласида яшовчи Назирахон Икромованинг тоби қочиб, қўл-оёқлари измига бўйсунмай қолди.

— Қўшниларим Солияхон Қодирова, Тўхтахон Ғаффорова, Патилахон Иминохунова, Моҳидилхон Сотволдиева, Ойбек Содиқов, Кимёхон Абдуллаевадан жуда миннатдорман, — дейди биз билан суҳбатда биринчи гуруҳ ногирони Назира опа. — Биласизми, биз ҳатто айрим туғишган опа-сингиллардан ҳам, опа-укалардан ҳам яқинмиз. Бошимга ташвиш тушган пайтда мана шу қўшниларимнинг кўрсатган беминнат ёрдамлари мени яшаб кетишга умидлантирди. Ишга шошиб бориб, шошилиб қайтиб, рўзғор юмушлари билан шуғулланиб юрган одамнинг бирданига ётиб қолишини кўз олдингизга келтиринг. Ўша пайтда хаёлимга ҳар хил ўйлар келди, гўё яшашнинг қизиғи қолмагандек. Аммо, қўни-қўшниларим, яқинларим мени ҳаётга қайтаришди. Уйимдаги барча рўзғор юмушлардан ташқари, ҳар куни келиб ҳолимдан хабар олиб кетишади. Маҳалламиздаги янгиликлардан бехабар қолмайман. "Опа, сиз нима дейсиз, эртага мана бу тадбирни ўтказмоқчимиз, қўшни қизларни йиғиб, тикиш-бичиш курсини очмоқчимиз", деб мендан маслаҳат сўрашади. Шундай кезларда ўзимнинг ҳаётдан узилиб қолмаганлигимни ҳис қиламан. Айниқса, уларнинг ширин муомалалари, қизиқ ҳангомаю кулгули латифалари кўнглимни тоғдай кўтаради. Бундай олийжаноб, ўзганинг дардини ўз дардидек, қабул қиладиган қўшнилар яна қайси халқ орасида, қай бир юртда бор, дейсиз.

Назира опа билан узоқ суҳбатлашдик ва беихтиёр хаёлимдан халқимизнинг "Ҳовли олма, қўшни ол", "Қўшнинг тинч, сен тинч", каби теран маъноли ҳикматлари ўтди. Ҳа, бу ҳикматлар бежиз айтилмаган, улар замирида, яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам қўшниларинг билан биргасан, деган маъно мужассам.

Яқинда анча йилдан буён кўрмаган Мавжуда исмли дугонамни учратиб қолдим. Тўғриси, уни кўриб ҳайратландим. Чунки ўн йил бурун автоҳалокат оқибатида дугонам ота-онасидан, турмуш ўртоғидан ажралиб қолган, ўзи эса ногиронлик аравачасига михланган эди. Бу ҳам етмагандек, қариндошлари бу ногирон жувонни ва унинг олти норасида укасини боқиб олишдан бош тортишганди.

Дугонамни узоқ вақт кўрмаганим учун кейинги ўн йилдаги ҳаётидан бехабар эдим. Аммо унинг шаҳдам қадам ташлаб юраётганини, дадил-дадил гапираётганини кўриб, очиғи, танимай қолдим. Маълум бўлишича, ўша фожеали воқеадан сўнг маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар елиб-югуришиб Мавжудани оёққа турғизишибди. Ҳозир у олий ўқув юртида таҳсил олаётган экан. Укалари ҳам олий маълумотли бўлишиб, айни пайтда турли соҳаларда ишлашаётган экан.

Ҳа, ота-боболаримиздан мерос анъаналар қатори қўни-қўшничилик билан боғлиқ меҳр-оқибат замиридаги инсонпарварликни, одамийликни Назирахон опа ҳамда Мавжудахоннинг тақдирлари мисолида кўриб турибмиз. Халқимизга хос бу юксак фазилатлар бугунги турмушимизни безаб тургани нақадар қувончли.

**Нигора ИМОМНАЗАРОВА,**
**"Mahalla" мухбири.**

Руҳшунос маслаҳати

# ОИЛАДАГИ ТЎКИС БАХТ ФАРЗАНД БАХТИ ДЕМАКДИР

**— Турмуш ўртоғим билан ҳеч муросамиз келишмади. Ахийри ажрашишга қарор қилдим. Ўшанда ўғлим 5 ёшда эди. Бир куни унга даданг билан ҳеч келиша олмаяпмиз, ажрашамиз, дедим, уни олдиндан тайёрлаш мақсадида. Дастлаб у ҳеч нарса тушунмадими менга тикилганча қотди-қолди. Бир оздан сўнг юм-юм йиғлаганча: «Мен энди яхши бола бўламан, ҳеч ҳам тўполон қилмайман, фақат ажрашиб кетмайлик, ҳаммамиз бирга яшайлик», деса бўладими? Унинг зорланганини кўриб қароримдан қайтдим, оиламни асраш учун муроса йўлига ўтдим, — деганди бир танишим.**

Ҳа, оилада аксарият ҳолларда эр-хотин ажрашадиган бўлса, фарзандлар азият чекишади. Энг аянчлиси, ажрашиш жараёнида эр ўзини оқлаш учун хотинини, хотин эса болаларнинг отасини қоралайди. Ҳатто болага «Айт сен ким билан бўласан, отанг (ёки онанг) ёмон, у сенларга қарамайди», дея уни икки ўт орасида қийнайди. Лекин болалар, одатда, отасиниям, онасиниям бирдек яхши кўришади. Отасини деса онасини, онасини деса отасини кўзи қиймайди. Шу боис эр-хотин муросага келолмаса, ажрашишга қарор қилишса, ўртадаги фарзандларни ўйлангилар, дейишади.

— Бола ота-онасининг чиқишолмаётгани сабабини тушунмайди, тушунишни истамайди ҳам, — дейди психолог Лола Эгамқулова. — Ота-онанинг ажрашиши болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Айниқса, балоғат ёшидаги болаларга ота-онанинг ажрашиши жуда катта зарба бўлади. Ахир, асаб тизимида ўзгаришлар содир бўлаётган айни пайтда бутун бир оиланинг пароканда бўлиши ўсмирга қаттиқ салбий таъсир қилади. У ота-онасининг қай бири билан яшашни тасаввурига сиғдиролмайди. Тенгдошларининг олдида уялади, ўзини айбдордек ҳис қилади. Ота-онаси ажрашгач, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган ёшларнинг учраб туриши ҳам бизнинг иш тажрибамиздан маълум.

— Мана бир неча йиллардан бери аёллар билан ишлайман. Эҳ-ҳе, қанча оилавий можароларнинг гувоҳи бўлдим. Бизнинг ишимиз фақат ажралаётган оилаларнинг мол-мулкини тақсимлаб беришдан иборат эмас. Мақсадимиз ўртадаги бола тирик етим бўлиб қолмаслиги, — дейди 1-«Қатортол» маҳалласи маслаҳатчиси Муҳаббат Очилова. — Уч келиним бор. Ҳозир улар билан бирга тураман. Учаласи уч олам. Буларнинг феълига, қилаётган ишига, муомаласига қўникиш мушкул, лекин ҳар бирининг кўнглига қараш, билмаганини ўргатиш бурчим. Баъзан қайсидир келинимнинг иши менга ёқмаса ўзим ҳам бир вақтлар келин бўлганимни эслайман. Маҳалламизда ҳам бирорта оиланинг бузилиб кетмаслигига қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Неча йилдан бери шу маҳаллада ишлаётган бўлсам, ҳали бирорта оила ажрашмади. Яқинда бир оила бузилиш арафасига келиб қолганди. Сабаби оддий: рашк. Биз келинга эрни ҳадеб ноўрин тергайвериш оиланинг бузилишига олиб келишини тушунтирдик. Руҳшунос ёрдамини таклиф қилдик. Бир-икки уринишларимиздан кейин аёл хатосини тушунди. Муҳими, ўртадаги бола тирик етим бўлмади.

Оилаларда ажралишнинг олдини олишнинг яна қандай йўллари бор? Эр-хотин муроса қилолмаса, келишолмаса бир хонадонда қандай яшаш мумкин? Кўпни кўрган отахон Йўлдош Сулаймонов оиланинг муроса юкини тортиш кўпда эркак кишига боғлиқ дейди:

— Оғир-босиқлик, вазминлик оилалардаги тушунмовчиликларни бартараф этади. Тўғри, дастлабки йилларда келин-куёв бир-бирини тушуниши бирмунча қийин кечади, лекин улар ажрашишга шошилмаса, бир-бирига кўникса яхши яшаб кетади. Аввало, кўнгилни асраш керак. Айтайлик, турмуш қуришган илк йилларда етишмовчиликлар, қийинчиликлар бўлиши мумкин. Ана шундай пайтда эр-хотин бир-бирининг кўнглига қараса, йўқчиликни бир-бирига таъна қилмаса, айтилиши лозим бўлган аччиқ гаплардан тийилса ўртага ҳеч қандай совуқчилик тушмайди. Чунки аста-секин турмуш изга тушиб, етишмовчиликлар ҳам барҳам топади. Аммо ўша пайтда ўртада меҳр бўлмаса ана унда бирга яшаш баттар қийинлашади.

Отахоннинг гапида жон бор. Мутахассисларнинг фикрича, янги оила қурганлар дастлабки беш йилда бир-бирларини тушуниши қийин бўларкан. Агар эр-хотин бу даврдан ўтиб олсалар, кейин оила мустаҳкам бўларкан. Оилада аҳил-иноқ бўлиб яшаш эркак ва аёлдан ҳаётга теран кўз билан қарашни тақозо этади. Психологларнинг эътирофича, аксарият эр-хотинлар бир-бири билан самимий мулоқот қилишни, тинглашни, ўзаро далда бўлишни, зарурат туғилганда бир-бирларини асрашни, қалбидаги салбий кечинмаларни ва ғуборни олишни билмайдилар. Кўпчилигимиз, афсуски, шундай сифатларга эга эмаслигимизни билмаймиз ва энг ачинарлиси, бу сифатларни ўзимизда шакллантиришга уринмаймиз ҳам.

Бизда эр-хотиннинг уруши—дока рўмолнинг қуриши, деган ибратли гап бор. Хусусан, ўртада фарзанд бўлгандан кейин жуда эҳтиёт бўлиш шарт. Барбод бўлаётган муҳаббат туйғусини ҳеч бўлмаганда норасида гўдаклар ҳурмати учун, улар тақдирини ўйлаб асраб қолиш шарт. Лоақал оила сақлаб қолинмаганида ҳам севги-муҳаббатнинг нафратга айланиб кетмаслигига йўл қўймаслик зарур. Ажралиш фақат ажралган эр-хотинлар эмас, балки ажралиш оқибатида отасиз ўсаётган қиз бола ҳис-туйғуларига, қиз болада шакллнадиган ота образига, қизнинг руҳиятига салбий таъсир қилади.

Шундай экан, оиладаги тўкис бахтни асрамоқ фарзандлар бахтини асрашдир.

**Б.ТУГАЛОВА.**

Хабарлар

## Ушу: Муҳим беллашув

Шу кунларда Сингапурда ушу бўйича ёшлар ўртасидаги III жаҳон чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Қирққа яқин мамлакатнинг ёш спортчилари иштирок этаётган мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини жаҳон чемпионати совриндорлари Дмитрий Ким ва Исмоил Муҳамедов, шунингдек, "Дилшод", "Олимпия" спорт клубларининг бир неча иқтидорли ёшлари ҳимоя қилишмоқда.

— Мамлакатимизда болалар спортига берилаётган алоҳида эътибор натижасида ёш спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда жонажон Ватанимиз номини улуғлашмоқда, — дейди Ўзбекистон ушу федерацияси бош котиби Сардор Тошхўжаев. — Ёшларимиз учун Сингапурдаги мусобақалар жиддий сабоқ вазифасини ўтайди. Ушунинг таолу ва саньшоу йўналишидаги баҳсларда қатнашаётган спортчиларимиз келгусида ёшлар ўртасидаги бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадасида иштирок этади. Бу беллашувлар натижасида бўлғуси чемпионларимиз олимпия ўйинларидаги рақибларини бир қур назардан ўтказишади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари 9 декабрда маълум бўлади.

**Тўлқин РЎЗИЕВ.**

## Футбол: «Бунёдкор» Ҳамдўстлик кубогида

Ўзбекистон чемпиони — "Бунёдкор" жамоаси анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Ҳамдўстлик кубоги футбол мусобақаларининг бу галги баҳсларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилади.

2011 йилнинг 14 — 23 январь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган Ҳамдўстлик кубоги мусобақасида иштирок этадиган 16 та футбол жамоасининг номи маълум бўлди. Унга кўра "Бунёдкор"нинг рақиби сифатида "Экранас"(Литва), "Искра-Сталь"(Молдавия), "Интер" (Озарбойжон), «Шахтёр» (Украина), «Сконто» (Латвия), «Шахтёр» (Беларусь), «Флора» (Эстония), «Истиқлол» (Тожикистон), «Нефтчи» (Қирғизистон), «Пюник» (Арманистон), «Небитчи» (Туркманистон), «Тобол» (Қозоғистон), ХИК (Финляндия), «Зенит» (Россия) ва Россия ёшлар терма жамоаси Ҳамдўстлик кубоги мусобақаларида майдонга тушади.

"Бунёдкор" жамоаси бош мураббийси Миржалол Қосимовнинг таъкидлашича, жамоа 2011 йилги футбол мавсуми ва Ҳамдўстлик кубогига тайёргарликни 16 декабрдан бошлайди. Икки кунлик тиббий кўрикдан сўнг бунёдкорчилар ўқув-машғулот йиғинига киришишади. Йиғин 29 декабргача давом этади.

Янги йил олдидаги қисқа ҳордиқдан кейин "Бунёдкор" вакиллари 3-13 январь кунлари Тошкентда Ҳамдўстлик кубогига ҳозирлик кўришади, 14 январда эса Россияга йўл олишади.

Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз

## Катталар ибрат бўлса...

**Янгийўл шаҳридаги «Файзобод» маҳалласида ичкиликка ружу қўйган ёки нотинч оилаларни учратмайсиз. Айниқса, маҳалла маслаҳатчиси Ҳажира Маҳмудованинг маҳалла аҳлига кўрсатаётган хизматлари беқиёс. Турли спорт тўгараклари ва тадбирларини уюштиришда маслаҳатчининг алоҳида ўрни бор.**

Тиниб-тинчимас бу аёлни гоҳ болалар майдончасида, гоҳ маҳалла ёшлари орасида кўрасиз. Маҳалланинг каттаю кичиги уни яхши танийди. Энг муҳими, маҳалла маслаҳатчисининг ўзи маҳалладошларини спорт ва тикиш-бичишга қизиқтиришда ибрат кўрсатмоқда.

— Асли касбим чеварлик. Ҳозир ҳам бўш қолдим, дегунча бичиш-тикиш билан шуғулланаман. Тиккан либосларим билан кўргазмаларда қатнашаман. Ҳисоб-китобдан ҳам яхшигина хабарим бор. Спорт билан мунтазам шуғулланаман, — дейди у.

Ҳа, Ҳажира Маҳмудованинг турмуш ўртоғи Ҳабибулла Маҳмудов, қизи Мастура, набиралари Ирода, Ситора, ўғли Умиджонлар ҳам спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланишади. Ҳабибулла Маҳмудов ҳар куни тонгда югуради, тош кўтаради, айниқса, шахмат унинг жону дили. Ҳажира опа ҳам шахмат ўйинида турмуш ўртоғидан қолишмайди.

Маҳаллада иши кўплигига қарамай, у оилавий спорт мусобақаларида иштирок этишга вақт топади. 2007 йили вилоят хотин-қизлар спартакиадасида Маҳмудовлар оиласи спортнинг югуриш, арқон тортиш турлари бўйича яхши натижаларни намойиш этди.

Маҳмудовлар оиласи ўттан йили ҳам 200 метрга югуриш бўйича шаҳар спартакиасида ғолиб бўлишган эди. Бу йил шаҳарда «Баркамол авлод йили» ва «Оила куни» муносабати билан «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» шиори остида ташкил этилган мусобақада иштирок этиб спортнинг енгил атлетика, югуриш йўналишларида биринчи ўринни олишди.

— Биз нафақат спортга ёшларни қизиқтиришимиз, балки катта ёшдагиларни ҳам жалб қилишимиз лозим. Чунки ёшлар жуда кўп нарсаларда каттаҳарга тақлид қилишади, уларга эргашади, — дейди Ҳажира Маҳмудова. — Улар билан спорт мусобақаларида бирга иштирок этсак, ютуғидан қувониб, камчиликларини бирга бартараф қилсак, ҳамжиҳатликда катта-катта ютуқларга эришишимиз, муҳими, аҳоли онгида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ҳисса қўшган бўламиз.

**Ҳабиба ШЕРОВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

## Кураш: Ғолиблар аниқланди

Қаршида кураш бўйича якунланган Ўзбекистон кубоги мусобақалари жамоавий ва яккалик баҳсларда ўз ғолибларини аниқлаб берди.

Яккалик баҳсларида ўз вазнларида тошкентлик Муқаддас Кубеева, Шоҳида Назарова, Наргиза Ҳамдамова, Ўғилой Нуралиева, Шуҳрат Арслонов, қашқадарёлик Соҳиба Эштемирова, Обида Алладўстова, Аброр Чориев, Давлат Абраев, Сойиб Қурбонов, андижонлик Гулзира Каримова, бухоролик Ширин Шарипов, Илғор Асадов 1-ўринларни эгаллашди.

Жамоавий беллашувларда асосий ўринлар учун Андижон, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва пойтахт курашчилари куч синашишди. Якуний натижаларга кўра Тошкент шаҳри полвонлари 1-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон кубогини қўлга киритишган бўлса, қолган ўринлар Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, медаль ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Қадрият

## УЙИНГИЗГА МЕҲМОН КЕЛДИ

**Кечга томон Карима ая ховлидаги дарахт шохида сайраётган қуш товушини эшитиб қолди. «Ие, заҳизғон-ку! Раҳматли онам, заҳизғон сайраса, албатта, уйга меҳмон келади, дердилар. Ким келаркан-а? Меҳмон келадиган бўлса, эрта туриб ҳаракатни бошлаш керак!»**

Унинг кўзига уйқу келмади. Уйда нима бор-йўқлигини бир-бир хаёлидан ўтказаркан, эрта билан ўғлини маҳалла гузари яқинидаги дўкондан қўй гўшти олиб келиш учун жўнатишни, уйларни тартибга келтириб, қандай овқатлар тайёрлашни режалаштирди. Шундан сўнгтина дийдор ҳиссини туйган қалби ширин энтикканча ором ола бошлади.

Саҳар туриб хамир қоргач Карима ая қозонга шўрва осди. Ҳовлилар супурилиб, катта хонага шойи кўрпачалар тўшалгунча хамир ҳам ошди. Ая тандирдаги бўрсилдоқ, жиззали нонни узаётганида ҳовлига узоқ вилоятда яшовчи қариндош-уруғлари кириб келишди...

Ҳа, бағрикенг халқимиз ўзининг меҳмондўстлиги билан ҳам ажралиб туради. Тоғган-тутгани ёр-биродар, қариндош-уруғларисиз «томоғидан ўтмайди». Феъл-атворимизда турмушдаги айрим ҳодисаларни эзгуликка йўйиш анъанаси мавжуд. Чунончи, чойда тикка туриб қолган шама, қўлдан бехос тушиб кетган идиш, ўнг ёки чап қовоқнинг пирпираши, тишланган бўлаги эсдан чиқиб қайта ушатилган нон ҳам уйга азиз меҳмон ташрифидан белги сифатида кўрилади. Хонадонига меҳмон келишидан шодланган, «меҳмон атойи худо», деб билган отабоболаримиз, бувию момоларимиз меҳмон билан бирга уйга қут-барака, ризқ-рўз ҳам кириб келишига ишонишган. Уйидаги энг кўркам хона, нафис идишлару адрас-кимхоб кўрпачалар, сархил ноз-неъматларни меҳмонга атаган мезбон уйига қадам ранжида қилаётганларни ҳар қандай ташвишини бир четга суриб, хушкайфиятда кутиб олади. Эътибор берган бўлсангиз, «меҳмон» сўзининг майин товушлар орқали талаффуз этилиши ҳам унинг эзгу амаллар ифодаси эканлигини билдиради.

Меҳмон кутишда юртимизнинг ҳар бир ҳудуди аҳолиси ўзига хос анъаналарга эга. Пахта гулли чинни чойнакларда меҳмон таъбига қараб дамланган кўк ёки қора чойдан сўнг вилоятларнинг ўзига хос таомилларига навбат етади. Жумладан, самарқандликлар дунёга донғи кетган пўлодий ва осиё нонлари билан бирга қаймоқ тортиб меҳмонни сийлашса, Бухорода майизли палов ва яхлит пиширилган барра кабоб, қашқадарёлик ва сурхондарёликлар арча чўғида тобланиб пишган тандир кабоб, хоразмликлар тилёрар қовунлари ҳамда янги гўштдан тайёрланган «ижан» билан меҳмон ҳурматини жойига қўядилар. Қорақалпоқнинг балиқ кабоби ва кулчатойидан бир марта тотган киши эса бу меҳмондорчиликни бир умр эслаб юриши тайин.

Палов эса халқимиз дастурхонининг гултожи ҳисобланади. Айни пайтда паловнинг 60 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улар орасида беҳи, майиз, тухум, нўхат, саримсоқ, қази каби масаллиқлар солиб пиширилганлари азиз меҳмонлар учун тайёрланган шунчаки таом эмас, балки мамлакатимиздаги тўкин-сочинлик, гўзал ва фаровон турмуш, осойишталик ва маъмурчилик рамзи ҳамдир.

Меҳмоннинг эъзозланиши, у билан бирга уйга шодлик кириб келишини ҳис қилиб улғаяётган фарзандларимизда ҳам бу фазилатнинг шакллaниши шубҳасиз. Улар онгида меҳмондорчилик билан боғлиқ тасаввурларни янада бойитадиган «Файзли хонадонга меҳмон келади», «Яхши меҳмон ош устига», «Меҳмон отангдай улуғ» каби ҳикматли ибораю мақоллар борки, булар ёш авлоднинг азалий қадриятлардан баҳраманд бўлиб вояга етишларига замин яратади.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, фарзандларимиз қалби ва онгига салбий таъсир кўрсатаётган маънавий таҳдид — «оммавий маданият» меҳмоннавозликдай гўзал қадриятимиз ҳақидаги ёшлар тасаввурига соя солаётир. Телеэкранларда кичкинтойлар учун намойиш этилаётган бадиий ва анимацион фильмларда мезбонларнинг аксарияти эшигини тақиллатиб келган меҳмонга остонадаёқ жавоб бериб юборади. Ёки «Егулигим фақат ўзимга етади», деганга ўхшаш, миллийлигимизга ёт бўлган гапларни кўп такрорлашади. Бу эса фарзандларимизда худбинлик, баднафслик иллатларини шакллантирмайди, дея олмаймиз. Ҳолбуки, ўзбекнинг қон-қонида «бир кишилик егулик икки кишига ҳам бемалол етади», «тушликда тушингга кирмаган одам меҳмонга келишини эсдан чиқарма», сингари олийҳимматлиликка, бағрикенгликка асосланган ҳаётий кузатишлар бисёр. Ўзбек халқ эртаклари, достонлари орасида ҳам бу эзгу фазилат тараннум этилган асарлар кўплаб топилади. Шундай экан, экранларимизда миллийлигимизга хос меҳмондўстлик, қўни-қўшничилик анъаналари акс эттирилган фильмлар кўпроқ намойиш этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Истиқлол йилларида қадимий ва бой тарихга, юксак маънавиятга эга халқимизнинг меҳмондўстлик фазилати янада сайқал топмоқда. Айрим унутилаёзган миллий таомларимиз таомномалардан ўрин олди. Бири-биридан муҳташам замонавий меҳмонхоналар қад ростлади. Бу ҳам бизнинг меҳмондўстлигимиздан, кенгфеъллигимиздан далолатдир. Шундай экан, нафақат хонадонларимиздан, серфайз диёримиздан ҳам меҳмонлар қадами аримасин.

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**
**«Mahalla» мухбири.**

Азиз юртдошлар!

"АСАКАБАНК"
ASAKA BANK
очиқ акциядорлик тижорат банки

Барча юртдошларимизни 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилаётган, яратувчанлик ва бунёдкорлик завқи билан яшаётган ҳар бир ватандошимизга бахту саодат, улкан зафарлар ёр бўлишини тилайди.

Ана шунақа!

## ШИФОБАХШ СУВ

Доимий ҳарорати 30 даражани ташкил қиладиган бу маскан Туркияда жойлашган бўлиб, уни Памуққалъа дейишади. Бу ернинг пахтадай оппоқ қалъага айланишига тоғдаги иссиқ булоқдан чиқаётган, яъни тузга бой калцийли сув сабабчидир.

Бу "сеҳрли" қалъада табиий ванна, яъни табиат томонидан яратилган ҳовузларни кўришингиз мумкин. Ҳар йили бу ерга минглаб сайёҳлар ташриф буюриб, дам олиб қайтишади.

Памуққалъа суви ревматизм, юрак қон-томир тизими, асаб тизими ва ошқозоничак хасталикларини, гипертония, рахит, паралич каби касалликларни даволашда беқиёс хусусиятларга эга.

## ТИПРАТИКАН ШИФОХОНАДА?!.

Ярим кечада катта йўлда судралиб кетаётган типратиканни юқори тезликда келаётган машина тўсатдан босиб кетди. Буни қарангки, ҳайдовчи машинадан тушиб қараса, кирпивой ҳали тирик экан. Уни зудлик билан касалхонага "ётқизишди". Ахир, Англияда бемор типратиканларни даволайдиган 200 ўринли шифохона бор-да!

## ОЗОДАЛИК ҲАР ЖОЙДА КЕРАК

АҚШнинг Техас штатида илонхўр қушлар анча тадбиркор чиқиб қолишди. Мабодо инлари ифлос бўлиб кетса, емак учун олиб келинган илонларни у ерга қўйиб юборишар экан. Илонлар эса бир зумда барча чиқиндиларни ямламай ютаркан. Қарабсизки, қушнинг ини ёғ тушса ялагудек топ-тоза бўлиб қоларкан.

**Нигора ИМОМНАЗАРОВА тайёрлади.**

Mahalla
ижтимоий-сиёсий ва маърифий ҳафталик газета
Муассис: Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 6 декабрда 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Телефонлар: 236-53-93 233-10-73 236-53-75, 236-57-62
Факс: — 233-39-89
www.mahallagzt.uz mahalla@sarkor.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма тобоқ.
Навбатчилар: Б.Эгамқулов, Г.Норчаева
Мусаҳҳиҳ: Ю.Ҳожиева
Нашр кўрсаткичи: 148
15050 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1113

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент, "Буюк Турон" кўчаси 41.
Топширилди — 01.25 1 2 3 5